


83
P-73

Нодира Рашидова



ТУРКИСТОН УЛУҒЛАРИ

**УСМОН
НОСИР**
ҳақида

503

Тақризчи: филология фанлари номзоди
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Р 4702620202 – 100
М352(04)99 Режага қўшимча 2001

ISBN 5-635-01723-1

© Нодира Рашидова,
Фафур Фулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 й.

ДАРДЛАРИМ НИДОСИ

Ёшлар олдида тарих варақларини очганда ёлғон ишла-
тиб бўлмайди. Чунки бир бор катталар томонидан ёлғон
эшитган ва кейинчалик бу гап ёлғонлигини билган ёш, ҳатто
жамиятга бўлган ишончини йўқотади. Ўша ондан бошлаб
юрагидаги беғуборлик ва меҳр куртакларини сўлдиради.
Натижада бадбин, худбин, золим бўлиб, ўзи яшаётган жа-
миятга озор беради.

Шу йўсинда Бобур ва унинг авлодларини эслайман.
Поклик, софлик фарзанди Ҳумоюн отасига, унинг дунёқа-
раши ва ғоясига, эътиқодига садоқатли эди. Аммо бу авлод-
да Аврангзеб жоҳиллик ва меҳрсизликнинг тимсоли бўлиб
тарихда қолди. Бунини тарихчилар яширмадилар. Бобурийлар
сулоласининг обрўйига путур етиб қолишидан кўрқмади-
лар. Чунки, тарих ҳақиқат пойдеворида яратилади.

Мирзо Улуғбекни ўз фарзанди Абдуллатиф ўлдирганлиги
ҳам тарихдан маълум. Даҳоликка дахлдор бастакор Моцарт-
ни ҳам бахиллик, ҳасад, ғараз ва кўролмаслик панжасига туш-
ган Сальери оғу бериб қатли ом қилганлиги қайд этилган.

Ёшлар мана шу ҳақиқат томонида тарбияланадилар.
Ёлғон, сохта андиша ҳукмронлик қилган жойда тўғри тар-
бия ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

XX аср зулмга бой аср бўлди. Урушлар, инқилоблар, ката-
гонлар, ўзаро келишмовчиликлар, сиёсий низолар. Оқибат-
да халқ хўрланди, азоб чекди. Аммо буларнинг ичида энг
золим мусибат — бу алдов эди. Ёлғон эди. “Қизил импе-
рия” тузуми алдашни, сотқинлик, хоинликни ўргатди. Хо-
инлик қилганларнинг кўкракларини нишонларга тўлдирди,
ўзларини шон-шухрат гулларига ўради, бшидан зар сочди.
Беш кунлик сохта обрў-ҳурматга сазовор қилди.

Лекин Ҳақиқат, Адолат ниҳоятда сабрли, чидамли куч-
дир. Олий ҳакам — Вақт ёрдамида барибир оқни оққа, қора-
ни қорага ажратиб қўяди.

Халқда: “Дардни кўриб даволаган табиб табиб эмас, бо-
шидан дардни ўтказган табиб”, деган доно нақл бор. Юқори-

да айтилган барча сўзлар ана ўша бошдан ўтказган дардларим нидоси.

Менинг болалигим “халқ душмани”нинг оиласида кечди. Мурғаккина юрагим билан ўшандаёқ бу ҳаёт қанчалик азобли, золим эканлигини ҳис қилиб ўсдим. Ҳақорат, зулм, кинояларни кўчада; ҳалоллик, софлик, поклик, садоқат, ҳақпарварлик, меҳрни уйда, оилада кўриб ўсдим.

Одамларни китоблар, романтик қаҳрамонлар тарбиялайди. Мени ҳаёт, ўз кўзим билан кўрган тарихий воқеалар тарбиялади. Шунинг учун бўлса керак, ёшлигимдан ўзимнинг шиорим пайдо бўлган: Ҳақиқат ва Адолат йўлидан ҳеч қачон чекинмаслик!

Оиламиз тоғам Усмон Носир ва отам Ўткир Рашид “туфайли” ҳақорат, таъқиб, таҳқирланишларга чидаб, ноҳақ бош эгиб яшаганида, оддий ҳаётий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб яшаганида бизларни бу аҳволга солган кимсалар шоду хуррамликда яшадилар, ҳаётнинг барча лаззатларию сохта обрў-хурматларнинг тожларини бошларига тақиб кўз-кўз қилиб яшадилар. Уларнинг фарзандларига барча эшиклар очиқ эди, энг жозибали, болалар юракларини, дилларини яйратадиган тадбирлар улар учун эди. Бизлар эса қимтиниб, на болалик, на ёшлик завқини кўролдик.

Бугунга келиб буюк Ҳақиқат бизга юз тутиб, оиламиз пешонасидан “халқ душмани” тамғаси ўчирилиб, энди озод нафас олаётганимизда яна бошқатдан ўша бизларни хўрлик кўйига солиб қўйганларнинг “думлари” ҳужжатларга асосланган гапларни айтиб қўйишимиздан чўчийдилар.

“Ўзбек шеърятининг порлоқ юлдузи” деб аталган, шоирлар сардорига айланаётган 24 ёшли Усмон Носир бошига хиёнат тошлари ёғила бошлади. У дилларни кемираётган қора ҳасаднинг қурбони бўлиши керак эди.

Шоир Усмон Носирга ёзувчилар шундай ҳукм чиқардилар.

Дўст деб ўзини Усмонга яқин тутиб юрганлар пайт пойлаб уни сотишга шошилдилар. Ҳа, давр шундай эди, қурғур давр! Давр — сотқин, давр — хиёнаткор! Одамлар-чи?! Дўстлар-чи?! Ҳа, давр — сотқин! Унинг тили йўқ. У мавҳум нарса. Марҳумларга ёмонликларни тўнкаш мумкиндай, даврга ҳам кўп нарсани тўнкаб, уни айблаш мумкин. Одам бўлиб туғилишнинг ўзи кифоя эмас экан. Оддий меҳрли юракка эга инсон бўлиб яралиш керак бу дунёда. Лекин бу ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан. Ўз эътиқоди, ўз иймони, ўз виждони билан яралиши керак экан инсон. Ана шундай инсонлар дўстликка ярайдилар. Лекин ана шундай пок, бокира,

тоза инсонларнинг қалби очиқ, кўзи ожиз бўлар экан. Улар барча одамларни ўзига ўхшатадилар-у, дўстман дегувчиларга ишонадилар.

Усмон Носир ҳам шундайлардан. У ҳамиша ҳаммага дўст бўлиб, чин дўстни ажратиб ололмади. Агёрларга меҳр қўйди, ғанимларни дўст деб билди.

Олий ҳакам — Вақт ўз тахтида! У албатта ҳамма нарсани саралайди. Тарих эса Ҳақиқат ва Адолатга таяниб, биз бугун айтолмаётган далилу ҳужжатларни барибир ёритиб, авлодларга етказди. Халқ одил, у хоинликни асло кечирмайди... Чин инсонлар айнан мана шу ҳақиқатпарвар халқдан чиқади... Бунга имоним комил...

ХУЖЖАТЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Оташин шоир Усмон Носирнинг ҳаётини ўрганиш бутун умримнинг мақсадига айланиб, бу борада анча ишлар қилишга ошиқдим. Озми-кўпми, ҳар қалай қандайдир натижаларга эришдим. Кўп вақт, кўп куч, кўп соғлиқ талаб қилди бу ишлар.

Мен учун, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлган ишлардан бири бу — Усмон Носирнинг Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва Кемерово ички ишлар бошқармасининг архивларида сақланаётган “Жиноий иш” бўйича хужжатларни ўз ичига қамраб олган иккита папка билан ташишганлигим бўлди.

Агар ўша машғум 37 нчию 50-йилларда ўз ўртоқлари, ўз дўстлари устидан ҳасадданми, кўркүвданми, лоқайдликданми (бунинг аҳамияти йўқ) ҳар хил органларга “юмалоқ” хатлар ёзаётганлар “Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилди” деган мақолни фақатгина бир бора эслаганида эди, балки шу бутун бу мақолаларни ёзишга ҳожат бўлмасмиди...

Муҳтарам ўқувчилар, балки “Ўтиб кетган гапларни бошқатдан, шунча йиллардан кейин кавлаштиришнинг нима кераги бор?” деган хаёлга борарлар. Менинг эса ўз фикрим, ўз хаёлларим билан бўлишим, суҳбат қургим келади.

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ҚЎМИТАСИ, яъни қулоғимиз ўрганган, номи юрагимизга даҳшат солиб келган КГБнинг архивида сақланаётган хужжатлар...

Чўлпон, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, Ғози Олим Юнусов, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Нуриддин Ўлмасбоев... бу рўйхатнинг поёни йўқдек. Бети титилиб кетган папкаларни битта-битта қўлимга оламану, чинакам инсонлар бўлиб яшаган ота-боболаримизнинг тақдир ва умрлари шу сарғайиб кетган варақларга жо қилиб қўйилганлигини ўйлаб, кўзларимга беихтиёр ёш келади. Уларни бағримга босаман. Алам, армонлар юҳо бўлиб ютади. Ғазабли, суронли, қайсар дарёга айланиб боради бу юрак. Катта, ҳал қилувчи курашларга тайёр ва қодир бўлиб оқади у...

Тергов протоколларию хатларни яна бирма-бир ўқиб чиқаман-у... беҳос димоғимга қон ҳиди урилади. Усмон Носиру КГБ ертўласида калтакланган бошқа маҳбусларнинг ҳам еган тарсаки ва муштларининг жарангию гумбурини эшитгандай бўламан, ўша тарсаки, муштларни ўзим еган каби бутун вужудим зирқираб кетади...

Қайси тергов протоколини, хоҳ у Абдулла Қодирий “Дело” сидан бўлсин, хоҳ Фитрат, хоҳ Чўлпон, хоҳ Мўмин Усмоновнинг “Дело” сидан бўлсин — барчасининг “дастхати” битта: бир қолип, бир андозадаги саволлару жавоблар.

Бу протоколларни тузаётган “чулчут” солдафонлар: “Мен ахир ёзувчиларни, зиёлиларни сўроқ қиляпман, уларнинг эса ҳар бирининг ҳатто сўз ишлатишда, тузишда фақат ўзига хос услуби бўлади”, деган хаёлга сира бормаганлар. Буни тушуниш учун уларнинг на билими ва на дунёқараши етган!

Бирдан хаёл сабаб, бошимдан биров бир челақ муздек сув сочиб юборгандек бўлади, энди даҳшатга тўламан. “У ўтмиш кунларга тегишли тарихни ўрганиб жунбишга келяпману, бу кунда бўлаётган ишларни наҳот кўрмаяпти менинг кўзларим”, деган фикр илондек чақиб олади мени.

Ахир, ўзбекка 37-йилларда зуғум қилиб, юраги “жиз” ҳам этмай қирғинбарот ўтказган ўша Зайцеву Болдирев каби ёвуз ниятли ўнлаб “ҳукмрон”ларнинг ўринларини 80-йилларга келиб Гдляну Иванов, Галкинга ўхшаган қабиҳлар эгалламидими?! Бу “олий насабли билимдон”лар ўзбекнинг 20 мингдан ортиқ фарзандини қирғинбарот қилиб, бўйнига бадномлик тамғасини илишга уринмадиларми?! Бизлар эса ўша 37-йиллардагидек, инерция бўйича индамай, бўйнимизни тутиб бериб яшашга ўргатилганимиз учун энди ҳам ломим демай туравердик. Яна бир-биримизни сотдик, яна бир-биримизнинг бошимиздан мағзава сочдик. “Оҳ, ўзбегим, қачон сен ўз қадрингга ўзинг етишни ўрганасан?” деб нола қилиб, фарёд чекканди юрагим. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Юртбошимиз, озод ватанимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мардонавор саъй-ҳаракати билан мустақилликка эришган халқим эгик бошини кўтарди, кўкрагини мағрур керди, бутун жаҳонга ўзбек ким эканлигини гурур билан намойиш этди.

Бугунги ўзбекнинг эртасини ҳал қилувчи бўлиб етишадиган ёш авлодимизнинг тўғри тарбиясига жиндаккина ҳисса қўшармикинман деган хаёл билан қўлимга қалам оламан.

ДОМЛА МАМАТХҲҲЖА

(“Усмон Носир” романидан парча)

Ёмғир аралаш ёғётган қорнинг заррачалари қоп-қоронғу тор кўча бўйлаб шошиб кетаётган кишининг ярим очик кўкрагига майда игначалардек санчилар, изғирин ҳам бу одамнинг кўзини очирмай, бошини қуйи солдириб эсарди. Кишининг эғнидаги тўни ивиб, бари шамолда ҳилпирар, лекин у бир зумга ҳам қадамини секинлаштирмай, гўё учишга шайланаётган катта қушдек илгари интиларди. Ниҳоят, у бир эшик олдида тўхтади-да, енги билан юзини артиб ҳалқага қўл чўзди. Бир-икки тақиллатди. Ичкаридан “Ким у?” деган овоз эшитилди ва бир оздан сўнг эшикнинг тавақаси очилди. Киши шошиб алланималар деди-да, бир чеккага чиқиб, қўлларини енг ичига тиқиб иситган бўлди. Кириб кетган одамнинг жавобини жунжикканича кутиб турди. Дақиқа ўтмай ичкаридан паранжи ёпинган аёл чиқди, индамай кишининг кетидан юрди. Киши ҳам, аёл ҳам шошар эдилар. Бир хонадон эшигига яқинлашар эканлар, уларни ўрта бўйли, қорачадан келган, истараси иссиқ, оппоқ салласи қоп-қора соқол-мўйлабига ярашиғлиқ, банорас тўнни елкасига ташлаган қирқ ёшлар чамасидаги одам кутиб олди. Аёлни ташқи ҳовлидан ўтказиб, ичкари ҳовли томон кузатиб қўйдилар. Аёлни иккита жувон тўрдаги уйга бошлади.

Бир соат ўтар-ўтмас ичкаридан чақалоқ йиғиси эшитилди. Иккита жувон шошганларича “Ўғил, ўғил!”, “Худойим ўғилгина берди!” деб ташқи ҳовлига суюнчи олгани ошиқдилар.

Холам биби янги туғилган, ҳали кўзларини очолмай ёнида йўрғакланганича ётган ўғлига термулди-да, беҳолгина “Парвардигорим, ўзинг паноҳингда асра!” деб уйқуга кетди.

Ташқари ҳовлида эса бутун Наманганга илми билан донғи кетган домла Маматхўжа қувончини яширолмай, гўдаккина қизи пешонасига сиғмаганига яраша, худойим ўғил берганига шукр қилиб, бомдод намозини бошлади...

* * *

Маматхўжа домланинг аввалги раҳматли бўлиб кетган хотини бефарзанд эди. Шунинг дардида эзилиб, бу дунёдан барвақт кўз юмиб кетди. Домла анчагача уйланмай юрди. Бор умрини энди илм эгаллашга бахшида этишни ният қилди. Ва 30 ёшга тўлгунга қадар у эгаллаган илмию билими

ҳақида Наманган аҳли гапирди. Маматхўжа қадам қўйган хонадон обрўли хонадон бўлиб қолар, эгалари эса бундан фахрланишар эди. Шу алфозда йиллар ўтарди.

Неча бор ёру биродарлари уни ўртага олиб ёлғиз юришлик ярашмаслигини, йигитлик умри ўтиб кетаётгани, уйланиш лозимлигини айтишарди. Ота-онасининг орзу-ниятларини рўқач қилишарди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида маҳалладаги баобрў кишилардан бўлган Мулла Адҳам охун домланинг бўйи етган қизи борлиги ҳақида гап кетди.

Маматхўжа бу оила ҳақида кўп илиқ сўзлар эшитган. Мулла Адҳам охун домланинг бир қизи ҳусну тароватда ягона эканлиги ҳақида ҳам хабар топган. “Ўша эмасми-кан?!”—ҳаёлидан ўтказди у. Аммо “Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизни ота-онаси менга раво кўришармиди?!” деган ўю истиҳола унинг олдида кўндаланг савол бўлиб қолди.

— Сиздек йигитга-я?!— деди Маматхўжага чой узата туриб Ҳабибулло эшон. Ва бир нарса бирданига эсига тушгандек гапида давом этди:— Мулла Абдураҳмон, бизнинг улфат-чи, ёш бўлса ҳам ниҳоятда маъқул йигит. Ҳа, ўша қизнинг иниси-да...

— Ий-е, шунақами? Билмас эканман,— Маматхўжа пиёлани дастурхонга қўяр экан, кўзларида ҳайрат учқуни ялт этиб дўстига қаради.

— Ҳа-да,— мамнун жавоб қилди Ҳабибулло эшон.

Маматхўжа аста йўталиб қўйди:

— Анча бообрў хонадон-да...— унинг бу сўзлари фақат ўзига қаратилиб айтилгандек эди.

Бу мавзуга дўстлар бир неча бор қайтдилар. Ва ниҳоят, Маматхўжа Адҳам охун домланинг қизига совчи қўйишга розилик берди.

Тўй эрта баҳорга тайинланди. Маматхўжа Чуқуркўча даҳасидаги ён маҳаллада сотилаётган ҳовли борлигини эшитгач, ўзи бориб кўрди. Янги оиласини шинамгина ҳовлига тушириш тараддудига тушди. Дидига яраша таъмирлади, ота-онасининг рози-ризолигини олди, уларнинг оқ фотиҳаси билан тўй бошлади.

Адҳам домланинг икки ўғил, икки қизи бор эди. Абдураҳмон, Абдуқайом, Хонима биби, Ойимча бибилар илми, тарбияли фарзандлар бўлиб вояга етган эдилар.

Хонима бибинини яқинлари эркалаб Холам биби деб аташар, унинг ақл-заковати, донолиги, фаросатига тан бериб, ёшлигидан илм эгаси бўлганлиги учун “отинча” деб мурожаат қилардилар.

Маматхўжа билан Холам бибининг тўйлари 1904 йилнинг баҳорида бўлиб ўтди.

Эндигина 15 ёшдан 16 ёшга қадам қўйган Холам бибига уйланган Маматхўжа қиздаги илму билимни кўриб ҳайратга тушди. Илк кунларданоқ унга нисбатан юрагида ҳам муҳаббат, ҳам ҳурмат куртаклари барқ урди. Энди унинг кунлари, оқшомлари ёлғизликда мутолаалар қилиш билан эмас, Холам биби билан биргаликда китоблар варақлаб, суҳбатлар аро ўтадиган бўлди. Улар ҳазрати Лутфий, Навоий, Машраб, Бобур, Бедил, Фузулийларнинг ғазалларини, асарларини ўқиб тонг оттирардилар. Маматхўжа беихтиёр хотинига тикилиб, хусну малоҳатига маҳлиё бўлиб қолар, кулиб боққан бахтига ўзи ишонмай, ич-ичидан Оллоҳга шукрлар қиларди. У Холам бибини ҳалоли билиб севар, шогирди билиб эъзозларди. Ақлига, заковатига тан бериб, энди ўзи ҳам уни “отинча” деб атарди.

Кўп ўтмай маҳаллада ҳам Холам бибига “отинча” деган “унвон” ёпишди-қўйди. Уларнинг турмушига барчанинг ҳаваси келар ва бу оила маҳалланинг кўрки бўлиб қолганди.

* * *

Дейдиларки, Маматхўжага Оллоҳ бир хислатни берган эдики, у дуо ўқиган маҳал теварак-атроф сукутга тушар, шивирлаб турган дарахт барглари қимир этмай қолар, чуғур-чуғур қилаётган қушларнинг овозлари тинар, сойдаги сувлар тескари оқар эди. Бундай пайтларда домла атрофида йиғилганлар унинг кучига, Оллоҳнинг қудратига тасаннолар айтиб қолардилар.

Шунинг учун Маматхўжанинг доврўғи кенг ёйилиб, номи Наманган атрофида ҳам машҳур бўлиб кетганди. Уни ҳар доим яқин ва олис ерларга, қишлоқларга таклиф этишгани-этишган.

Уйда эса ёшгина Холам биби қайнота-қайнона ва бир қатор қариндош-уруғлар билан қоларди. Хонадон ҳамиша гавжум бўлганлиги учун ҳамиша китоб мутолааси билан банд Холам бибининг зерикашга ҳеч вақти бўлмасди. Маматхўжа уйда кам бўлишига қарамай, бу хонадоннинг соҳиби сифатида эъзозли эди. У уйда бўлган кунлар байрам каби серзавқ, сершавқ бўлиб кетар, аёллар ичкари ҳовлида оддий нонуштани ҳам базмга айлантириб юборишарди. Эркаклар ташқи ҳовлига чиқиб кетгач, ўйин-кулги авжига чиқар, Холам биби эса ҳар гал кўлига дутор олиб хиргойи қила бошларди.

Бу хонадондаги ҳаёт бахтли ҳаёт эди. Аммо Маматхўжанинг юрагини фақат бир нарс вақти-вақти билан ўртаб ўтар-

ди. Бу бефарзандлик дарди эди... У Холам биби билан ҳам, мана, уч йилдан бери яшаб, тирноққа зор ўтаётганлиги, ёши ҳам ўттиз учдан ошиб бораётганлигини ўйлаб эзилиб кетарди. Улфатлари орасида баъзилар ҳатто қизларини узатиб, ўғилларини уйлантириб, қуда-андалик бўлаётганликларини ўйлаб ўқсиб кетарди... Ўқсир эди-ю, Оллоҳга илтижо қилиб фарзанд сўрарди. Холам биби майин, латофатли, нозик таъбли аёл эди. Ҳар бир гап, ҳар бир хатти-ҳаракатини ўйлаб бажо келтирарди. Эри айнан шу феъли олдида бош эгарди, ҳурматини жойига қўярди.

Холам биби ниҳоятда ҳаёли, иболи аёл бўлгани учун ҳам Маматхўжа хотинининг гавдаси тўлишиб, ўзгарганидан кейингина унга ота бўлиш бахти кулиб боққанини англади. Ўша кунни тоқатини йўқотиб кутди... Ниҳоят 1908 йилда парвардигор унга қиз тақдим қилди. Унга яхши ният билан Фазилатхон деб исм беришди. Аммо бир ярим ёшга тўлиб-тўлмай у қизамиқ касалига дучор бўлиб, бу дунёдан кўз юмди.

Холам биби янада камгап, янада маъюс бўлиб қолди. Унинг кайфияти, аҳволига Маматхўжа ҳам шерик бўлди.

Шу йўсинда яна уч йил ўтди. Ва худойим ниҳоятда шу ўғилни берди.

* * *

Намозини тугатиб бўлган Маматхўжа мана шундай ўйлар оғушида қанча ўтирганини сезмади. У дик этиб ўрнидан турди-да, ўғлини тезроқ бориб кўриш иштиёқида эшик томон шошилди.

Кечаги куннинг захридан асар ҳам қолмай, қуёш чарақлаб бутун борлиқни ўз оғушига олган эди. Маматхўжанинг назарида бу қуёш энди абадий унинг хонадониди, ҳозир ичкарида онасининг бағрида ётган мурғаккина ўғли аксида қолиб кетадигандек туюлди. У ўғлига умр, бахт тилади-ю, негадир юраги “шувв” этиб кетди. Шоша-пиша “Астағфирулло! Астағфирулло!” деб шивирлаганича ичкари ҳовли томон юрди.

Холам биби эрини кўргач ўрнидан кўзгалди-ю, туришга ҳоли келмади. Маматхўжа хотинининг бошини силаб, икки қўллаб аста ўрнига ётқизди-да, пешонасига лабини теккизди. Кейин онасидан сал нарида оппоқ тўшак-ёстиқчада, оппоқ матоларга йўргакланган ўғлига қаради.

Қорачадан келган, лўппи юзли, пўрсиқ лабли бола. Кўзлари юмук. Ота ўғилга бир оз тикилиб қолди-ю, юраги бирдан ҳапқириб, кўзига севинч ёшлари келди. Аҳволини хотинидан

яшириш ниятида боланинг устига ёпилган оппоқ товар кўрпачани аста тўғрилади ва хотини томон ўгирилмай туриб:

— Афсус... ўғилли бўларканмиз, дадам билан онамга бу кунни кўриш насиб этмади-да... Аттанг... аттанг,— деб бош чайқади.

— Нимасини айтасиз, худо раҳмат қилсин уларни... Жойлари жаннатдан бўлсин...— беҳолгина жавоб қилди Холам биби.

Маматхўжа Холам бибининг манглайини аста силаркан, фарзандига бермоқчи бўлган исм ҳақида ўйлай кетди. У болага Усмон деб ном беришни хоҳлади. Бу Курьони Каримнинг тарқоқ матнларини ҳар ердан тўплашиб муқаддас китоб шаклига келтиришда жонбозлик ва фидойилик кўрсатган, саллаллоҳу алайҳи васаллам Муҳаммад пайғамбарнинг ёнларида бўлган садоқатли ва вафодор чорёрларидан бири — халифа Усмоннинг номи эди. “Ўзимнинг исмим Муҳаммад, зурёдимнинг исми Усмон бўлса...” Шу ўй билан у хотинига мурожаат қилди:

— Отинча, ўғилчага Усмонхон, деб ном берсак... Нима дейсиз?

— Майли, хоҳишингиз...— майингина жавоб қилди Холам биби.

Шу кунийёқ чақалоқнинг қулоғига азон айтилди, у Усмонхон деб аталди.

Кечки пайт эру хотин ёлғиз қолишгач, Маматхўжа тепа тоқчада турган Курьони Каримни олди-да, муқовасига аста қалам ура бошлади: “Усмонхон, 1279 нчи ҳижрий сичқон йили, акраб ойининг 22 нчи кунидан 23 инчи кунига ўтар кечаси дунёга келди...”

* * *

Икки кун вақт ўтди. Холам бибининг юрагини ваҳима қуршаб, дунё кўзига тору қоронғу бўлиб қолди. Чунки Усмонхон она кўкрагини оғизга олмай ётарди. Қизалоғини йўқотган она энди ҳам фожа рўй беришидан қўрқиб, туну кунини кўз ёш қилиб ўтказди. Гўдагининг оғзига сув томишиб, термилганича теппасида ўтирарди. Отанинг ҳам юрагига чироқ ёқса ёришмас эди. Эру хотин ҳар кун боланинг нобуд бўлишини кутиб, бир дақиқага ҳам кўз юмиб қолишдан қўрқиб ўтиришарди...

Бу ғаройиб ҳолни эшитган қариндош-уруғу кўни-кўшнilar ҳайратдан ёқа ушлашар, “Мурғак бола овқатсиз шунча кун ўлмай ётса-я!”, “Тавба! Бу не мўъжиза?!”, “Кўз кўриб,

қулоқ эшитмаган ажойибот-а?!”— деб ўзаро шивир-шивир қилиб кўйишарди. Холам биби эса боладан аллақачон умидини узиб, уни парвардигор ҳукмига топшириб бўлганди. “Нимаики бўлса худодан... Пешонамда борини кўраман...” деб кўярди-ю, бешикда сокин ухлаб ётган ўғлининг чехрасига тикилиб зор-зор йиғлар эди...

Шу аснода қирқ кун ўтди. Чақалоқнинг чилласи ҳам чиқди. Боланинг ранг-рўйи ўзгармас, у ҳамиша уйқуда эди. Қирқ биринчи кун Усмонхоннинг овози борица биғиллаб йиғлай бошлагани барчани саросимага солиб қўйди. Кўрқувдан қўлла-ри дир-дир титраётган Холам биби бир амаллаб уни бешикдан ечиб олди. Елкалари, бошини силаб овутмоқчи бўлди. Аммо онасининг тиззасида ётган гўдак чириллаганча бошчасини у ёқ-бу ёққа ташлар, алланарсани ахтаргандек тамшанарди. Холам биби одатдагидек боланинг оғзига сув томизди. Бола сувни қулт-қулт ютарди-да, оғизчасини катта-катта очиб она кўкрагини изларди. Бунинг бирдан англаб қолган Холам биби болага аста кўкрак тутди. Усмонхон жон-жаҳди билан ёпишиб, илк бор тўйиб-тўйиб эмди.

Холам бибининг кўзларидан оққан ёш томчи-томчи бўлиб гўдакнинг кўйлакчасига тўкиларди. Эрининг: “Отинча, кўз ёш қила туриб бола эмизманг...” деган сўзларини эшитиб, у беихтиёр хўнграб юборди. Усмонхон бирдан эмишдан тўхтаб, тамшанди. Кўзларини катта-катта очиб, худди бир қандай хабардан огоҳ бўлаётгандек бир оз жим ётди-да, яна эмиб ухлаб қолди. Холам биби болани кўрпачасига ўраб олди-ю, бағрига босганича қанча вақт ўтирганини ўзи билмади.

У умрбод шундай ўтиришга тайёр эди. Ўғлининг юзига термилганича кўз ёшини тўхтатолмасди. Бу аламу севинч, армону шукроналикнинг кўз ёшлари эди. Онанинг юрагида сўниб бўлган умиднинг учкунлари аста-секин оловланиб, меҳр номли алангага айлана бошлади. У юрак-юрагидан ўғли энди яшашлигига инонди.

Холам биби ўғлини бағридан ҳеч қўйгиси келмас, кўзларини юмганича тебраниб яна анча вақтгача ўтирди. У эри “Намозимни ўқиб олай...” деб чиқиб кетганини ҳам, ташқарида қош қорайиб қолганини ҳам, хонага оқсоч қиз кириб: “Аба, овқатингиз совиб қолмасин, ичиб олинг...” деб хонтахтага бир коса иссиқ маставани қўйиб чиқиб кетганини ҳам сезмай ўтирди.

— Ие, ҳали ҳам шундай ўтирибсизми?— деб чироқ ёқаётган Маматхўжанинг овозидан Холам биби ўзига келди ва ялт этиб эри томон бурилди.

Хотинининг чехрасида ниҳоят қувонч аломатларини кўрган Маматхўжанинг ҳам юраги ёришди.

— Айтмабмидим, отинча... Неча бор, хавотир олманг, бу бола оддий бола эмас, дердим,— бу сўзларни домла титроқ овоз билан айтиб, хотинининг ёнига келиб ўтирди. Кўзини онасини эмаётган ўғлидан узолмай, меҳр оғушига шўнғиб кетди...

* * *

...Усмон оддий чақалоқлардек катта бўла бошлади. Вақт ҳам ўтаверарди. Маматхўжа домланинг нафаси ўткир, айтган гапи амалга ошади, дуолари кучли, танадаги дардлардан холис қилади, деб чор атрофдан келиб узоқ-яқин қишлоқларга олиб кетишар, шу сабабдан у уйда кам бўлар, лекин бўлган кезлари ҳамини хотини ва ўғлининг ёнидан жилмас эди.

Яна дейдиларки: бир куни Маматхўжа шундай сафарларидан бирида эди. Холам биби олти ойлик Усмонни бешикка белаб ухлатди-да, эшик-деразаларни беркитиб, ўзи уй юмушларини бажариш учун ҳовлига чиқиб кетди. Ишларини битириб, кир-пирларини ювиб бўлдиамки, ичкаридан садо чиқмади. У хавотирланиб уйга кирди. Не кўз билан кўрсинки, бешик асбоблари ечилган, бола бешикда йўқ. Она ўзини у ёққа урди — бу ёққа урди — бола йўқ. Ташқари ҳовлига чиқадиган эшик ичидан тамбаланган, чиқиб кетадиган бошқа жой йўқ. Усмонхон энди-энди эмаклай бошлаган эди. “Балки эмаклаб ҳовлига чиқдимикан”, деб ўйлади-да, ўзини ҳовлига отди. Лекин Усмон ҳеч қаерда йўқ эди. Она айюҳаннос солди, қўшнилари йиғилдилар. Аммо болани топа олмадилар. Маҳаллада кирмаган эшиклари қолмади. Бола йўқ.

Беш кунлик сафарга саҳарда жўнаган Маматхўжа шу куни аср пайтидаёқ уйга қайтиб кириб келди. Бўлган воқеани эшитиб, ҳовлидаги сўрида кўзини юмганича бирпас жим ўтирди-да, Холам бибига:

— Паранжи ёпининг... — деди.

Эр-хотин икки-уч қўшнини олиб кўчага чиқдилар. Ярим соатлар чамаси юриб Наманганга кираверишдаги осма кўприк олдида тўхташди. Маматхўжа бир дақиқа саросималаниб турди ва шошганича кўприк тагига тушиб кетди. Қолганлар унга эргашдилар. Не кўз билан кўрсинларки, Усмонхон тупроқда пайпасланиб кўм-кўк бўлиб ўсиб ётган ўтни бармоқчалари билан юлиб оғзига солиб тамшаниб ўтирар, ёнида эса баҳайбат оппоқ от хурпайиб, ҳеч кимни боланинг ёнига йўлатмасди. Онаизор ўзини ўғлига отди. От унинг йўлини тўсди. Эркаклар отни ҳайдамоқчи бўлиб ҳаракат қилдилар, от депсиниб кишнаб юборди. Маматхўжа ҳамма орқага ўтишини сўради ва чордана қуриб ўтириб олди-да,

дуо ўқий бошлади. Барча ҳангу манг бўлиб қотиб қолди. Чунки ҳозиргина депсиниб, туёқлари билан чанг кўтараётган от мункайганича бошини эгиб аста кўприк орқасига чекина бошлади. Эркаклар кўприк ортига отилдилар. От гойиб бўлган эди... Холам биби ўғлини бағрига босганича дағ-дағ титрар, содир бўлган воқеани ҳеч тушуна олмай вас-васага тушган эди. Ранглари қув оқарган қўшнилари биринкетин Маматхўжага саволлар ёғдиришарди. Аммо Маматхўжа лом-мим демасдан болани онасининг қўлидан олди-да, банорас тўнининг бағрига ўраганча шахдам қадам ташлаб Чуқуркўча даҳаси томон жадаллаб кетди...

* * *

Табиатнинг баҳорий нафаси ўқтин-ўқтин ҳавони қитиқлаб-қитиқлаб қўяди. Бўғотларда, томларнинг у-бу четида ҳали эримай қолган қорлар борлигига қарамай, эсаётган саррин шаббода баҳор яқинлигидан дарак беради. Чарақлаб чиққан қуёшнинг тафти ҳали паст, аммо нурларининг илиқлигида яқинлашиб келаётган баҳорнинг шавқи бор. Қиши билан уйқуда бўлиб, энди уйғониб гоҳ-гоҳида гинғиллаб учиб ўтган пашша ҳам баҳор яқинлашиб келаётганидан дарак бераётгандек.

Мана шундай кунларнинг бирида Маматхўжа кўчадан беҳолгина қайтди. Ҳовлида тетапоя қилиб юрган Усмонхон отаси томон қиқир-қиқир кулиб талпинди. У ўғлини кўтарганича уйга кирди. Оёқларидан мадор кетаётганлигини сезиб болани ерга қўйди-да, тўрда тўшалган кўрпачага чўзилиб олди. Эрини бу аҳволда кўрган Холам биби саросимага тушди. Чунки эри унча-мунча касалликни тан олмас эди. Бу гал эса табиб чақирлишини ўзи буюрди. Маматхўжанинг бутун вужуди алангада қолгандек ёнарди. У кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Ва шу ётганича бошқа ўрнидан турмади. Уни кўрмаган, боқмаган табиб қолмади. Дарди кундан-кунга, ойдан-ойга зўраяр, у куни битаётганини сезиб, ҳеч ўғлидан кўнглини уза олмас эди. Ёнига пилдираб келиб, тўшак устига чиқиб, отасининг қорнига миниб қувонаётган Усмонга қараб юраги қон бўлиб эзиларди. Орзиқиб етишган зурёди етим қолишини ўйлаб дили вайрон бўларди. Уни аста бағрига босиб эркалар, сизилиб чиққан ёшни болага кўрсатмасликка ҳаракат қилиб, шошганича бошида ётган чит қийиққа кўзларини артиб оларди...

Бир куни Маматхўжа Холам биби унга сутли аталани хўпла-тиб ўтирганида аста унинг қўлини силаб, косани бир четга

олиб қўйишни сўради. Баланд ёстиқларга суянганича кўзини юмиб бир оз жимиб қолди. Сўнг кўзларини очмай туриб Холам бибининг кўлини ўзининг кўкрагига қўйиб маҳкам сиқди-да, юзига қўнган ажиб хотиржамлик билан гап бошлади:

— Отинча...

— Лаббай, дадаси,— Холам биби эрига тикилди.

Маматхўжа ҳануз кўзларини очмай гапида давом этди:

— Куним битганга ўхшайди... Мендан рози бўлинг...

— Кўйинг бундай гапларингизни-ей,— унинг гапини бўлди Холам биби.— Ҳалитдан ўлимни бўйингизга олманг, худо хоҳласа тузалиб кетасиз.

Холам биби кўз ёшларини яшириб туриб шундай деди-ю, табибларнинг “Бу дард бедаво, худойим ўзи сизга сабр берсин”, деган сўзларини эслаб, бирдан боши чир айланиб кетди. Ўзини зўрга тутиб олди.

Маматхўжа хотинининг гапига парво қилмай, хотиржамлик билан яна гапида давом этди:

— Усмонхонни эҳтиёт қилинг... Етимлик азобини кўрмасин... У ҳаётда катта бахтга эришади... Аммо кўп азоб ҳам кўради... Дўстдан душманлари кўп бўлади... Ёлғизлатманг уни... Ҳеч қачон ёлғизлатманг... Уни ўша оқ от қўриқлайди... Лекин... Усмонхоннинг умри йўлида ҳақиқат билан ноҳақлик... адолат билан адоват... кўп тўқнашади... Ҳа... кўп тўқнашади. Отга қашқирлар ташланади... Ёдингизда бўлсин гапларим... Усмонхонни эҳтиёт қилинг. Ҳеч хафа бўлишига йўл қўйманг...

Холам биби эрининг гапларини бўлмай тинглар экан, кўзларидан тизиллаб оқаётган ёшларини тўхтатолмади. Кўзига дунё қоронғилашаётгандек ва шу қоронғулик унинг дилини қуршаб бир умрга кўмаётгандек туюлди.

Маматхўжа бир оз тин олгач:

— Ташқаридан йигитларни чақиртиринг... Мени ҳовлига олиб чиқишсин. Сўрида бир оз ётай,— деди.

Холам биби чаққонлик билан сўрига чиқиб, ўзи гиламча тўшаб, янги атлас кўрпачаларни солди. Қип-қизил бахмал жилдли болишларни қўйиб, эрига жой тайёрлади.

Аҳён-аҳён эсиб қўяётган шаббода нафармон бўлиб гуллаган шафтоли дарахтининг шохларига урилиб дув этиб гул баргларини тўкиб тўзғитар, ён-атроф эса худди қор ёққандек оппоқ бўлиб кўзни қувонтирар, дилни яйратиб юборарди.

Маматхўжа шу сўрида кечгача ётди. Шунча таклиф қилинган овқатларни рад этди. Фақат бир маротаба совуқ сув сўради. Уч-тўрт ҳўплам ичдиямки, бирдан чеҳраси ёришиб, юзига қон югурди. Ўзини бардам тутди. Шу алфоз анча вақт ўтди. Намозгарга яқин Маматхўжа эшитилар-эшитилмас калима

келтирди. Уйдагилар ёнига келиб улгурмай жони узилди... Қирқ ёшга тўлиб-тўлмай бу дунёдан кўз юмиб кетди.

Оғзига сув томизиб ўтирган шогирди барча аёллар уйга киришларини буюриб ўрнидан турди. Усмонхонни ҳам ичкарига олдилар.

Ҳали ҳам содир бўлган ажални англаб етолмаётган Холам бибини Усмонхон шу дақиқадан етим, ўзи эса энди “бева” деган ўй дод деб юборгизди...

Маматхўжа вафоти билан боғлиқ барча таъзия-маросимлар ўтди. Энди ҳовлида Маматхўжанинг укаси Саматхўжанинг катта оиласи қолди. Серфарзандлигига қарамай Саматхўжа янгаси Холам бибига алоҳида меҳрибонлик кўрсатиб, Усмонхоннинг етимлигини билдирмай ардоқларди. Икки овсин опа-сингилдек иноқ яшашса ҳам Холам бибининг инилари Абдурахмон ва Абдуқайом домлалар сингилларини ота уйига кўчириб олиб кетишни, Усмонхонга оталик қилишликни ният этиб, Саматхўжа ҳузурига маслаҳатга келдилар. Саматхўжа:

— Акам вафот этганларидан бери энди олти ой ўтибди. Энди булар ҳам бизларни ҳувиллатиб кетишса қандай бўларкин?!— деб маъюс тортди.

Абдурахмон бош эгганича бир оз сукут сақлаб ўтирди-да, унга узатилган пиёлани икки кафти орасига олиб туриб, қўлларини иситгандай бўлди ва қуйи солинган бошини аста кўтарди:

— Узр, дўстим, сизга зарра озор бериш ниятимиз йўқ... Биласиз, оиламиз кичик, бола бизга танқисроқ. Сизнинг ҳам ташвишларингиз ўзингизга етарли. Энди биз ҳам бир оз юкингизни енгиллатиб, жиндак ташвишингизни бўйнимизга олсак ёмон бўлмас... Усмонхон икки ҳовли ўртасида баббаробар меҳр кўриб ўсаверади... Нима дейсиз?..

Саматхўжа ташқарида паға-паға ёғайган қорга очиқ эшикдан қараб туриб:

— Қани... Энди қолган гап кеннойимизнинг ўзларида,— деди, унинг юзидан хижолат чекаётгани сезилиб турарди.

Ўртада беш-олти кун ўтди. Икки томоннинг қариндош-уруғлари орасида Холам биби ота ҳовлисига эрининг йилини ўтказганидан кейингина кўчиб ўтишга розилик берибди, деган гап тарқалди. Ва барча, “Бу келин бежиз “отинча” деб аталмайди”, “Ана ақлу ана андиша, ана садоқату ана мурувват” каби ҳайратомуз фикрлар билдиришди.

Холам бибининг кўчи ёз ойида кўтарилди. Ва у ўғли Усмонхон билан укалари Абдурахмон ва Абдуқайомхонларникида яшай бошлади...

УСМОН НОСИР ТАРЖИМАИ ҲОЛИГА ҲАҚҚОНИЙ НАЗАР

Усмон Носир ўзбек адабиёти тарихида аҳамиятли ўрин тутган тарихий шахс. Унинг ижодини ўрганишда ҳар бир тадқиқотчидан ҳолислик ва ҳақиқат йўлини тутмоқлик талаб қилинади.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, эълон қилишда негадир унинг айрим шеърларининг мазмунига таяниб баъзи бир олимлар воқеаларни ҳар хил йўллар билан шоирнинг таржимаи ҳолига ёпиштиришга тиришадилар. Бу нотўғри ва ножўя ҳаракатлардир.

Усмон Носир уйида кўп “жабру жафо” кўрган, “қувилган”, “муштумзўр бойлар”дан калтаклар еб, бир бурда нонга зор бўлиб, “бировларникида дайди ит каби юрган” деган гаплар нафақат баъзи бир олимларнинг оғизларида, ҳатто матбуот ва чоп этилган китобларда айтилган эди. Бундай ёлғон мишмишларга чек қўйиш пайти келди.

Усмон Носир 24 ёшида адабиёт майдонидан чиқариб юборилган ижодкор. Аммо ҳақиқат, адолат шундай нарсани, ҳеч қачон енгилмайди, Усмон Носир ўз ўрнида ўша-ўша “ўзбек шеърятининг порлоқ юлдузи”лигича қолди.

Ҳозир бизнинг қўлимизда Усмон Носирнинг табиати, феъл-атвори, унинг болалик чоғлари, ёшлиги ва ҳибсга олинган, ўтган ҳаёти ҳақида анча-мунча маълумотлар, ҳужжатлар бор, уларга таянган ҳолда шоирнинг тимсолини ҳаққоний аниқлаш ва тасвирлаш мумкин.

Усмон Носир Наманганнинг Чуқуркўча даҳасида яшовчи, бутун ҳудудга донғи кетган тақводор, ниҳоятда ўзига тўқ Маматхўжа эшон домла ва эшигининг ёнидан от устида ўтиб кетишга ҳеч ким ботинолмаган, бообрў, эл орасида таниқли домла мулла Адҳам Охуннинг қизи Холам библиларнинг оиласида 1912 йил 13 ноябрь куни дунёга келди. Бу сана Холам бибиға тегишли Қуръони Карим муқовасининг ички томонига Усмон туғилган замон ёзиб қўйилган. Оилавий архивда сақланиб келаётган Носир ҳожи Масодиқовнинг паспортисида ҳам Усмон Носирнинг аниқ ёши кўрсатилган.

1914 йилнинг бошларида қаттиқ бетоб бўлиб қолган Маматхўжа эшон баҳор ўрталарига бориб вафот этади. Холам бибини унинг бир ярим ёшга тўлиб-тўлмаган ўғилчаси Усмон билан инилари — Наманганда ҳурматга сазовор илмли кишилар бўлган Абдурахмон домла ва Абдуқаюм домлалар уйларига олиб кетадилар. Шундай қилиб, Усмон тоғаларининг даргоҳида яшайди.

1915 йилда Наманганга 14 йиллик ҳаж сафаридан қайтган 32 ёшли Носир ҳожи Масодиқов ҳоласи Тошбибиникида истиқомат қила туриб яна пахта заводидаги ишига қайтади. Бир девор қўшни бўлган Абдурахмон домланикида бева синглиси гўдак ўғли билан яшаётганлиги ҳақида ҳоласи Тошбидан дарак топади ва 1916 йилнинг бошида унга уйланади.

Холам биби китобларга, адабиёт ва шеърятга ўч, ўзи зукко, илмли, билимларга қизиқувчан бўлганлигини кўрган Носир ҳожи зиёли аёлларга мўлжалланган ва ойда икки марта Қозон шаҳрида чиқадиган “Сюма-Бика” журнаliga обуна бўлади ва 1917 йилнинг ярмигача уни муттасил оиласига етказдириб туради. (Бу сонлар оила архивида сақланиб келмоқда).

Носир ҳожи Масодиқов рус-тузем мактабида ўқиган, ўзи маърифатпарвар, янгиликларга интилувчан, прогрессив фикрли оилада ўсиб вояга етади, халқ фаровонлигини энг зарур сиёсат деб билади. Ва сиёсий воқеалардан деярли беҳабар Носир ҳожи ғалаба қозонган пролетар инқилобига чин дилдан ишониб, уни тан олади ва 1917 йилдан то 1926 йилгача Наманганда ташкил топган Туркистон дивизиясида таржимонлик қилади. (Бу ҳужжатлар ҳам оила архивида бор).

1918 йил февраль ойида қизи Равзахон туғилган, Носир ҳожи оиласини ота ҳовлисига — Қўқонга май ойида кўчиради. Ўзи эса Наманганда ҳарбий хизматини давом эттиради.

Туркистон дивизиясининг раҳбариятидан тез-тез Қўқонга боришга рухсат тегмас, шунинг учун фарзандларининг тарбияси билан асосан унинг укаси Ибоджон шуғулланарди. Ибоджон Масодиқов рус-тузем мактабида ўқиган, билим доираси кенг, хушчақчақ, одамшаванда инсон эди. Масодиқовлар оиласида Носир ҳожидан кейинги ўғил — Мансуржон Масодиқов ҳам Қўқон адабиётчилари ва шоирлари даврасининг доимий иштирокчиси, Чархийнинг қадрдон дўсти, адабиётни юқори даражага кўтарувчи, қадрловчилардан эди. Инъомжон Масодиқович Омонзода оиласида энг кенжа — олтинчи ўғил, ёши жиҳатидан Усмонга яқинроқ эди. У ҳам 1925 йилдан то 1930 йилгача Ленинграддаги амалий зоология ва фитопатология институтида ўқиб, битириб келади.

Усмон 1920—24-йилларда 2 нчи, яъни 1-босқич мактабида таълим олади. 1924—1929 йилларда эса 2-босқич мактаб-интернатда ўқийди. Бу интернат, ўзбек халқининг машҳур артисти Ҳалима Носирова ибораси билан айтганда, етим-есирлар мактаб-интернати дейилса ҳам, у ерда берилаётган янгича билимлар, “порлоқ келажак”дан дарак берувчи ян-

гича тушунчалар ҳатто бой-бадавлат кишиларнинг болаларини ҳам жалб этар ва кўплаб ўзига тўқ оилалар келиб чиқишларини яшириб, бу ерда фарзандларини ўқитишга интилардилар. (Бу ҳақда рус адабиётшуноси В. Смирнованинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мақоласида айтилган).

Ибоджон Масодиқов ҳам илмга чанқоқ, мактабда зукко, билимдонлиги билан бошқа болалардан анча фарқ қилаётган жияни Усмонни бирмунча қийинчиликлар билан интернатга жойлаштиради.

Интернат болалари жуда берилиб таълим оладилар, бир-бирларига қаттиқ боғланиб, аҳил ва иноқ яшайдилар. Усмоннинг қариндошлари эслашича, у ўртоқлари — Мўйдин, Жавлон, Абдулалар билан ҳар жума (интернатда дам олиш куни) эрталабдан уйга келар, кечгача меҳмон бўлиб, тунагани яна интернатга қайтишар экан. Ўша даврнинг ёшлари бутун вужуди билан “янги ҳаёт”нинг дарёсига шўнғиб яшаганлар. Ҳ. Олимжон 1930 йилда Ўзнашрда чоп этилган “Тонг шаббодаси” тўпламида (33—36-бетлар): “Мақтабимиз шу қадар қизгин эдики, мени кўз ёшларини дарё қилиб жўнатган онам, хўрсиниб, девоқларга суяниб йиғлаган опам ҳам эсимга тушмас эди... Мен... севинчли ҳаётга борлигим билан отилдим”, деб ёзиши бежиз эмас эди. Чунки бутун мамлакатни, бутун жабҳаларни чулғаб қамраб олган пафос, кўтаринки руҳ одамларнинг қалбларини ҳам олов қилиб ёққан, барча ўзини янгилик бағрига отган давр эди бу.

1929 йилда Усмон мактабни битиргач, ўртоқлари билан Ленинград шахрига саёҳатга боради. У ерда амакиси Инъомжон Масодиқович Омонзода билан кўришиб, “буюк шаҳар” тарихини ўрганади. Болаларни “Қизил Путилов” номли заводга айнан ўша амакиси олиб бориб, ишчилар билан таништиради, учрашув ўтказишга кўмаклашади. Шу ерда Усмон Носир тузган дастур бўйича адабий кеча ўтказилиб, Усмон рус тилида чиқишлар қилиб, шеърлар ўқийди. Қўқонга 16 яшар Усмон Ленинградда харид қилган мебель-гарнитурини поездга юклаб олиб келади. Бу уй жиҳози Қўқон учун янгилик бўлиб, барча ҳайратга тушади.

1930 йилда Усмон Носир дўсти Темур Фаттоҳ билан Москвага Бутуниттифоқ кинематография институтига бориб сценария бўлимига ўқишга киради. У ерда ёш шоир рус адабиётчилари даврасига киришга интилади. Ўша йилларда Москвада яшаб ижод қилаётган Чўлпон билан танишади. Аммо рус шоирларининг димоғдорлиги, ўзга миллат ижодкорларини менсимаслиги Усмон Носирнинг гурурига тегади. Бир томондан бу, иккинчи томондан, устози бўлиб қол-

ган, ўша ерда яшаётган Чўлпоннинг таъсирида у Москва шароитига кўниқолмасдан Қўқонга қайтади.

* * *

Баъзи бир олимларнинг манбаларида кўрсатилганидек, Усмон Носир кинематография институтини “соғлиғи ёмонлашгани — силлиги, оч-наҳор ва юпун қолганлиги туфайли” ташлаб кетган эмас. Кемерово вилояти ички ишлар бошқармасида сақланаётган Усмон Носирга тегишли “Дело”да шоирга 1939 йил 11 февраль куни Златоуст қамоқхонасида берилган “Справка”да (форма № 7. Махфий) “батамом соғлом”лиги (43-бет) қайд қилинган. (Бундан ташқари бу каби “справкалар” “Дело”да анчагина бор).

Ва фақат 1943 йил 23 июнь куни ёзилган “Справка”да Усмон Носир 1941 йилдан бошлаб шамоллаш дардига чалингани ва охириги 2 ой мобайнида ўпка касаллиги ва безгакка дучор бўлганлиги туфайли лагернинг 3-стационарида даволанаётганлиги айтилган.

Усмон Носир сил касаллиги билан авваллари оғриган деган фикр нотўғри эканлигини лагерда ўша пайтда хизмат қилган Н. Сирота ва маҳбусликда бўлган А. Жалилова (Тошкентда яшамокда) лар ҳам инкор қилишади. Чунки юқумли касалликка чалинган маҳбуслар ҳеч вақт умумий лагерларга юборилмаган.

“Дело”нинг 91-бетида “Маҳбус Усмон Носиров, ўзбек, 1944 йил 9 март куни соат 14⁰⁰ да ўпка сили, II даражали пеллагра ва юрак қувватсизлиги натижасида 3-стационарда вафот этган”лиги ҳақида битилган “Акт” сақланади.

* * *

Усмон Носир 1931—1932 йилларда Қўқонда яшаб, “Янги Фарғона” газетасида мухбир, Ҳамза номли драма театрида адабий эмақдош, мактабда ўқитувчилик қилиб, адабий тўғаракни бошқаради. Фаол ижод қилади. Айнан шу йилларда у “Душман” пьесасини ёзади, бир қатор мақолалари ва шеърларини “Янги Фарғона” газетасида эълон қилади, “Қуёш билан суҳбат”, “Сафарбар сатрлар” шеърый тўпламларини чоп эттиради.

1932—1934 йилларда Самарқанд Педакадемиясида таълим олади.

Усмон Носир 1934 йилда Москвада 17 август — 1 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Бутуниттифоқ ёзувчилар съездида қатнашади. 1935 йилда Тошкентга келиб, “Ёш ленинчи”

(Ҳозирги "Туркистон") газетасида хизмат қилади. Шу орада "Тракторобод" ва "Юрак" шеърӣ тўпламларини нашр эттиради. Ўқувчиларига ўзининг "Атлас" драмаси, "Нахшун" достони ва рус шоирлари А. С. Пушкиннинг "Богчасарой фонтани", М. Ю. Лермонтовнинг "Демон" ("Иблис") достонлари, Н. А. Добролюбовнинг "Ҳақиқий кун қачон келади?" асари, В. И. Киршоннинг "Улуғ кун" драмаси таржималарини тақдим қилади. 1936 йилда у мухлисларининг қўлларига машҳур "Меҳрим" тўпламини етказди.

1937 йил 27 январь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Усмон Носир ижодининг 10 йиллигини нишонлайди. Республика раҳбари Акмал Икромов шоирни "ўзбек шеърятининг порлоқ юлдузи" деб эълон қилади, уни "ўзбекларнинг Лермонтови" деб атайти, Москва газеталари эса "Шарқда Пушкин пайдо бўлди", деб ёзишади. 1937 йил май — июнь ойларида Москвада бўлиб, ўзбек адабиёти ва маданияти декадаси ва Пушкин вафотининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган пленумда иштирок этади.

1937 йил 14 июль куни НКВД томонидан ҳибсга олиниб, 1938 йил октябрь ойида Сибирга сургун қилинади. Владивосток, Златоуст, Магадан, Мариинск, Сиблаг қамоқхоналарида жазо муддатини ўтайди.

1940 йил 20 август куни Усмон Носир И. В. Сталин номига Магадандан арз хатини ёзиб, қийин қамоқ шароитида "битта шеърӣ роман, учта пьеса, бир қатор шеърлар" ёзганини айтади ва "халқлар доҳийси"дан озодликка чиқаришини сўрайди.

Аммо қаттиққўл, бешафқат Сталиннинг юрагини юмшатган бу хат Ўзбекистонда, шоирнинг юртида яшаётган ҳамюртларининг қалбларига заррача таъсир қилмайди, аксинча, ҳамкасабалар "юлдуз" шоирни халқнинг хотирасидан ўчирмакка шайланиб, ўз кирдикорларини шу йўл билан яширмакка ҳаракат қиладилар. 1941 йилда Усмон Носир юқорида айтилган асарларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборади, бу ҳақда онаси Холам бибини Фаррух Аҳмадий деган киши орқали берилган (хат тўғрисида Комил Яшин хабар берган) хат орқали огоҳлантиради, аммо қўлёмалар яширилади ва 1937 йилда "Ўздавнашр" нашриётига топширилган олтинчи шеърӣ тўпламининг қўлёмалари каби беиз йўқолади.

Усмон Носир адабиёт майдонида фақат 24 ёшигача ижод қилди. Кўп асарлар яратди. Ўзини буюк шоир, истеъдодли публицист, моҳир таржимон сифатида элига танитди. Мум-

тоз адабиётимизнинг атоқли вакилига айланди. Шеърятда мактаб яратди. Уйғуннинг сатрлари билан айтганда:

Уни ўлдирганлар билмади,
Мумкин эмас уни ўлдирмоқ.
У-чи, кўрки бўлиб шеърятнинг
Ўтирибди кўр тўкиб тўрда...

Усмон Носирнинг ўзи эса "Боғим" шеърди:

Баргдек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилур,
Гуллардан ҳайкал курур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим!
Шеърларим янграб қолур...
Бир умрга ўлмайман!—

деб қилган башоратининг биз бугун гувоҳи бўлиб турибмиз.

УСМОН НОСИР ШЕЪРИЯТИ — ДАВР КЎЗГУСИ

Халқимизнинг маънавий мероси нақадар бойлигини биз Мустақиллик шарофати билан билиб англаяпмиз. Чунки бу меросни чуқур ўрганишга эндиликда катта имкон яралди. Ҳозирги авлод келажак авлодлар учун ҳақиқат ва адолат нуқтаи назаридан тадқиқоту изланишлар олиб бориб, тарихимизни тиклашда, ўтмишга тўғри кўз билан қарашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Қадриятларимиз тикланар экан, халқ меросию бойлигини ярата билган биронта шахс, биронта сиймо хотира ва эътибор доирасидан четда қолмаётганлиги қувонтирадиган ҳол.

Ана шундай сиймолардан бири — шоир Усмон Носирнинг сиймосидир. У атиги 31 йил яшади ва бизгача етиб келган адабий меросини 24 ёшигача яратди: "Қуёш билан суҳбат", "Сафарбар сатрлар", "Тракторобод", "Юрак", "Меҳрим" шеърӣ тўпламлари 1932—1936 йилларда нашр этилди; 1933 йилда "Норбўта", 1934 йилда "Нахшун" достонларини ўқувчиларига ҳадя этди; 18 ёшида "Назиржон Халилов", 19 ёшида "Душман", "Зафар", 21 ёшида "Атлас" драмаларини ёзди. Бу пьесалар даврнинг кўзгуси тимсоли-

да 30-йилларнинг энг долзарб муаммоларини кўтарувчи ва ёритувчи асарлар орасида алоҳида ўрин тутди, ҳатто 1937 йилгача (шоир “халқ душмани” сифатида қамалгунга қадар) театр саҳналарида мунтазам ўйналди; 1935—1936 йилларда рус шоирлари А. С. Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, М. Ю. Лермонтовнинг “Демон” (“Иблис”) достонларини ўзбек тилига шундай юксак бадиийлик билан ағдардики, бу таржималар Усмон Носир шоир сифатида маҳорат чўққисини эгаллай олган санъаткор эканлигининг далили бўлди.

Кўплаб замондошлари ва тенгқурлари қатори Усмон Носир “социалистик тузум” ўз фаолиятини бошлаб юборган даврда ўсиб вояга етди. Пролетар инқилоби ва ишчилар синфи ғояларида тарбияланди. Бу ғояга борлиғи билан, вужуди билан ишонди, уни илк шеърларида куйлади. Шоир сифатида “социалистик тузум”нинг барча даъватларига ижоди билан “Лаббай!” деб жавоб берди. “Қуёш билан суҳбат”, “Бодом гуллаган кечаси”, “Қора сатрлар”, “Оқ ювиб, оқ тараб”, “Дилимдадир мангута бутун”, “Сенга синглим” каби шеърларида шавқ-завқ, кўтаринки рух, эҳтирос анча сезиларли тарзда ифодаланган.

Аммо шоирнинг асарларида фалсафий ўйлар, мушоҳадалар кучайиши билан шоирона маҳорати ҳам ўсаётгани кўрина бошлайди. Энди унинг юрагини қамраб олаётган, “ҳаёт тажрибалари”дан пайдо бўлган ғалаён ва исён “Яна шеъримга”, “Юрак”, “Боғим”, “Ёшлик”, “Бобомнинг фалсафаси”, “Нил ва Рим”, “Исроил”, “Шафақ ўчай деб қолди”, “Монолог” каби шеърларида ўз аксини топади.

Усмон Носир “Нил ва Рим” шеърида тарих воқеаларию ўтмишга мурожаат қилатуриб, ўзи яшаётган замонанинг қалтислиги, ноҳақликларга тўла эканлиги, адолатсизлик ҳукм сураётган замона эканлигига сатрлар орасида яширинган фикрлар билан шама қилади:

Лампам ёнур... Яраланган қанотдек оғир —

Ўй босади. Юрагимда гўё сел ёғир.

Қийналаман. Тиришаман. Хушим паришон,

Ўтмиш, ҳозир ва келажак кўринур ҳар он, —

деб ёзади шоир ва бу сатрларда қандайдир чорасизликдан пайдо бўлган юракнинг доди эшитилаётгандек, абадий қулликка маҳкум бўлган юракнинг қулликка қарши аламли ва шу билан бирга исёнга тўла фарёди ва ҳайқирғи отилиб чиқаётгандек бўлади. “Хуши паришон”ликнинг сабаби — шоир “ўтмиш, ҳозир ва келажак”ни боғлаб турувчи қуллик ипини кўра олганида эмасмикан?!

Куллар... Менман у кулларнинг ўлмас авлоди,
Мана менман, у кулларнинг ҳеч сўнмас ёди.
Мана менман, фалакларга лов-лов ўт қўйиб,
Оталаримнинг бошидан пойдевор уйиб,
Озодлигим обидасин қурган инсонман!
Ўша жонман, ўша қонман ва ўша шонман!

Қанчалар зарда ва киноя бор бу сўзларда... Қанчалар нафрат ва алам бор бу теран фалсафий фикрларга асос бўлган сатрларда... Шоир ўзини ҳам кул атайди, “у кулларнинг ўлмас авлоди, ҳеч сўнмас ёди” эканлигига ургу беради. Буюк сиймоларга мурожаат қилар экан, замон сир-асрорларига жавоб излайди:

Ўлим яхши инсон агар шундай хор бўлса!

Бир парча нон нима ўзи? Шунга зор бўлса!

Наҳот чақмоқ ёндирмайди бундай очунни?!

Кул фардидай умр, тоғдай кулфат учунми?!

Жавоб бергин менга зукко қадимий Ҳомер,

Кўз ёшию қонга ростдан ташнами бу ер?..

Бу каби хаёллар шоир кўнглини ғам-ситамларга тўлдиради, тушқунлик кўчасига етаклайди. Ва у ночорлик қурбони сифатида, ноиложликдан ўзини бу фикрлардан олиб қочмоқ истайди:

Кўй, яхши чол! Кўнглим тўлди, гаплашамиз сўнг,

Бу нимаси? Эшитдингми оғир, ҳазин мунг?—

деб, ўша басир бўлиб ўтган қаландар шоир “қадимий Ҳомер”ни ўз дардларига ошно қилади. У:

Ҳамон йиғлар яланғоч Рим, ҳамон дил эзар,

Ҳамон тилла қадахда қон ичар Цезар! —

дея, Ватанида босқинчилик билан ҳукмронлик қилаётган тузум ва сиёсатни, “қизил империя” бошида турган ҳукмрон доҳийларни Цезар ва фиръавнлар тимсолида кўриб мажозий таъриф бермадимикан?! “Кўзлари қонга тўлган”, “тишларини иржайтириб бўкирган йўлбарс” — сиёсатнинг, “парча-парча бўлган гладиатор” — халқнинг ва ё балки қатағонлар бошланиб, элнинг энг сара фарзандлари бошига тушган савдоларнинг тимсоли эмасмикин?! Шоир ўзи яшаётган, пролетарлар ҳукм сураётган давлатни “жинни театр”га таққосламадимикан?!

Иссиқ излар. Ҳамон у исёндан из бордек,
Булулларнинг орасинда юрар Спартак.

Жавоб берсин Афлотунми, Вергилийми, ё —
Бошқа бири, қани, ким у? Ким мард? Ким гувоҳ?

Шоир жавоб берувчи “мард”ни ахтиради. Ва яна бу мард-
ни “Спартакнинг ҳали ҳам бораётган лашкарлари” ораси-
дан топади. Бу — шоирнинг ўзи:

Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди,
Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди.

Шеър сўнггидаги бу қайтариқ қалблар кўзини очишга,
онгу фикратни уйғотишга йўналтирилган бир даъватдек,
чақириқдек жаранглайди, ўша даврда битта жамият “оталар
бошидан пойдевор уйиб, Келажакнинг обидасин қурган
инсон”лардан иборат бўлиб қолганлигидан юрагида чексиз
азоб туяди, қийналади ва тилини тия олмайди...

Шоир “Нил ва Рим” шеърини советлар юртида фикр-
ловчи инсонлар борки, қатагон қилинишлари авжга чиқиб,
кескин “фирқавий тозалашлар” жараёни ўтаётган даврда,
1935 йилда ёзди. Ва унда ўз ҳис-туйғуларини қадим воқеа-
ларига, кўҳна тарих сабоқларига мурожаат қилатуриб, буюк
дарди сифатида оча билди.

Бу давр шоир учун ҳаётни, умрни икки оламга бўлувчи
ва ўртада пайдо бўлган бир сарҳад вазифасини ўтади. Шо-
ирнинг ҳам ҳаётида, ҳам ижодида кескин бурилиш бўлиб
ўтди. У дунёга энди бошқа кўз, бошқа назар билан қаради.
Шеърларидаги “стахановчилик” завқини, “урра-урра”чилик-
ни фалсафий мушоҳадалар эгаллай бошлади. Шеърларининг
асосини “дард” эгаллай бошлади ва шоир “Дардимсанки,
шеърим, яхшисан!” деб хитоб қилди, дардини шеърига тўкиб
солди:

Дўстларим, хабар олинг. Кўнглим куяди:

Бир тараф — ёшлигимнинг шўхлиги мағрур,

Бир тараф — тажрибамнинг дарслари турур,

Икки ёғ сўғишади. Уруш қилади.

Кўнглим ёнади. Қийин. Қоним кўзғалур...

Ўзим ўзимга тинчлик берай деб агар:

“Бу кураш, оғир кураш, биттаси енгар...”

Десам, куйсам... Охирда менга не қолур?—

деб ёзди. Бу шеър фақатгина битта шоирнинг гапи, дарди
эмас эди. Бу — бутун бир даврнинг акс садоси эди, лоқайд-
ликка қарши даъват эди.

Усмон Носирнинг 1935 йилда ёзган шеърларида ма-
жозийлик кучли, сатрлар орасида яширинган фикрлар кўп:

Юр, тоғларга чиқайлик,

Майли, юр!

Эҳ... қандайин чиройлик

Оппоқ нур...

Олмос каби оппоқ қор

Ялтирар.

Нега мунча дил оқар,

Қалтирар?

Биласанми, ёшлик бу,

Тўймаган!

Тиним билмас гўё сув,

Ўйнаган...

Шунга ўта чиройлик

Кўринур...

Юр, тоғларга чиқайлик,

Майли, юр!

Бу шеърда тоғлар озодлик тимсоли эканлиги аён. Озод-
лик, юртнинг мустақиллигини орзу қилган шоирнинг “дили
оқиб, қалтираши” — табиий ҳол. Унинг “тиним билмас гўё
сув, ўйнаган” ёшлиги сарҳаднинг нариги томонида қолган
бир палла. Шоир у ёшлик алдовлар билан “ўта чиройлик”
кўринганлигини англаб етади. Ва яна юксакларга — орзу-
лар томон китобхонни чорлайди.

“Кўнглида дардлари дарёдек оқин” шоир манзилени
“денгиздан нарида” кўради ва “Йўлчи” шеърида “Чу, қора
тойчоғим! Чу, қора йўрғам!” дер экан, ўзининг, халқининг
қисматини шу “қора йўрғам” тимсолида тасаввур этади. Шо-
ирнинг муроиди, мақсади бор ва у унга қасд қилиб етмоғи
керак. Етмоқлик учун эса курашларда енгилш лозим, бўрон-
лардан ўта билиши лозим:

Муродга қасд қилиб югурган етур,

Бўронни севмаса, дил нечун тепур?

Бу мисралар ана шу кураш, ана шу бўронларга даъватдек туюлади:

“Монолог” шеърида шоир севги, муҳаббат ҳақида ўй сураркан, хитоб қилади:

Мумкин эмас! Қандай қабоҳат!

Ки одамнинг ўзигинамас,

Ҳиссини ҳам хароб қилса давр!

Қийналаман!.. Юрагимда ҳовур...

Ҳа, шоирни ўйлар қийнайди, давр қийнайди. Чунки бу давр, шоир ўзи айтганидек, нафақат одамларни, балки ҳисларини ҳам хароб қилаётган давр эди. Ва Усмон Носирнинг шеърияти ана шу даврни акс эттирган тиниқ кўзгу вазифасини ўтади десак муболаға бўлмайди...

1998 й.

УСМОН НОСИР ВА НИКОЛАЙ БУХАРИН

Усмон Носир адабиёт майдонига ниҳоятда мураккаб, зиддиятларга тўла тарихий даврда кириб келди. Октябрь социалистик инқилоби туфайли яралган Шўровий республикалар иттифоқи аталмиш мамлакат ўз тизимини бошқаришни пролетар синфи қўлига топшириб, халқ ҳаётию мамотини шу йўналиш, шу оқимга бурган пайтда кириб келди. Янгича фикр, янгича турмуш тарзи, янгича дунёқараш — булар барчаси кишиларни, жамиятни эсанкиратиб қўйган давр эди. Нима тўғри, нима нотўғрилигини халқ ҳали тўла тушуниб етмаган пайтда, “ура-ура” чилик авж олиб, буйруқ берувчи, мамлакат тақдирини ҳал қилувчи, “коммунизм” сари етакловчи ягона ишчи-деҳқонлар синфи ҳукм сура бошлаган, ўзига тўқроқ оиладан келиб чиққан ҳар бир киши ўтмиши, ҳаёти тарзидан “ор” қиладиган, давлатмандроқ кимсалар нони бутунроқ эканлигини яширишга мажбур бўлган даврда кириб келди. Йўқсиллик фахрга айланган бир замонда кириб келди.

Бу давр ижодкордан ҳам контрастдан фойдаланиб, ўтмишни қоралаб, янги тузумни кўкларга кўтаришни талаб қилди, “порлоқ эрта”нинг илинжисида кечаги куннинг эзуликларидан юз ўгиришни ўргатди.

Усмон Носир ўша даврнинг кўплаб ижодкорлари қатори жамиятнинг турмуш тарзига миллий руҳда янгиликлар киритишга бел боғлаган жадидлар ҳаракатининг фожиавий оқибатларини кўрди. Аммо кўп ёш ижодкорлар қатори “фаровон келажак”ни ваъда этувчи тузумга жон-жаҳди билан ишониб, бутун ижодиётини ана шу тузум яратган ҳаётни қуйлашга қаратди.

Аммо ҳали ёш онги билан баҳайбат, маркази Москва шаҳрида жойлашган ва барча сиёсий ҳодиса, воқеалари ўша ерда қайнаётган мамлакатнинг мураккаб, сирли ўйинларини англаб етишга ожиз эди. У кўплар қатори янги тузум, янги сиёсатнинг фақат ёруғ томонини кўриб ижод майдонига кириб келди.

У янги сиёсатда ҳам катта, ўша Марказнинг раҳбарлари ўртасида ҳаёт-мамот учун бўлаётган курашлар борлигини билмас эди. Тўғри, билиши ҳам керакмас эди. Чунки унинг равшан, бокира, баҳордек кўркем ўз шеърий дунёси бор эди. Бу дунё пасткашлик, разиликлардан узоқ эди.

Аммо тарих биладики, ҳар бир жирканч сиёсий курашлар ўша пок, бокира дунёга суқулиб, қанчадан-қанча истеъдодни ўзининг лойқа гирдобига тортиши — табиий жараён. Усмон Носир ҳам шундай гирдобга улоқтирилди.

Самарқанд Педакадемияси (ҳозирги СамДУ)нинг талабаси Усмон Носир 1934 йилгача “Қуёш билан суҳбат” (1932 й.), “Сафарбар сатрлар” (1933 й.) шеърий тўпламларини эълон қилиб бўлган ва нашриётга учинчи “Тракторобод” шеърий китобини топширган, адабиёт аҳлига танилиб бўлган шоир сифатида Москвада ўтадиган Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг I съездига таклиф қилинди. Бу Педакадемия шаъни учун нуфузли воқеа эди.

Съезд Москва шаҳрида 1934 йилнинг 17 августидан 1 сентябргача давом этди: 28 август кунини съезднинг 19 инчи кечки мажлисида академик Николай Иванович Бухарин “Шеърият, унинг аҳволи ва шеърий ижоднинг Иттифокдаги вазифалари ҳақида” деган мавзуда маъруза қилди.¹

Бу маъруза катта шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки фаннинг деярли барча соҳаларида теран билим ва илмга эга бўлган, заковати сарҳад билмайдиган деб тан олинган бу олим шўро ёзувчиларининг олдига давлат арбоби сифатида аниқ масалаларни қўйиб, уларни бажариш йўллари кўрса-

¹ Н. И. Бухарин. “О поэзии, поэтике и задачах поэтического творчества в СССР”. Избранные труды. Под общей ред. акад. Е. П. Велихова. Ленинград. “Наука”. Лен. отд. 1988. Стр. 234—304.

тиб берди. У ижодкорлардан асар яратишда фақатгина олимларга хос илмийликнинг ўзинигина эмас, балки бой, серзавқ тимсоллардан фойдаланиб нафис поэтик дунё яратишни талаб этди. Воқеликни ҳис қилиб, қалбдан яратишга даъват этди. У ҳар бир ижодкор аввало онгини ошириши, поэтик дунёқарашининг доирасини кенгайтириши лозимлиги ҳақида тўхталди. Бугунги куннинг қадамини тарих кўчасида илғаб олмоқлик учун ўтмишни мукамал ўрганиш лозимлигига барча ижодкорларнинг эътиборини қаратди. Кўҳна тарихнинг белини неча бор букиб, аммо эвазига қатор-қатор буюк даҳоларни пайдо этган даврларга назарни кўпроқ қаратмоқ кераклигини уқтирди. Ҳар бир ижодкор фикрлаш доирасини қанча кенгайтурса адабиётни шунча юксакларга кўтар олишини, бу эса катта меҳнат орқали амалга ошмоғи мумкинлигини айтди.

Балки Н. Бухариннинг айнан шу гаплари ва талаблари туйғайли Усмон Носир қалами остидан кейинчалик “Нил ва Рим”, “Йўлчи”, “Ҳаёт ҳали менинг олдимда”, “Яна шеъримга”, “Илҳомимнинг вақти йўқ...” каби шеърлари битилгандир. Шоирнинг шу ва яна бир қатор шеърлари гўё Н. Бухариннинг маърузасидаги энг долзарб фикрларига жавобдек туюлади.

“Шоирнинг вазифаси ахир газета мақоласини ҳикоя қилиб бериш ёки сиёсий билимдонликнинг энг кичик, лекин ҳозирги кунда ниҳоятда юқорилаб кетган заррасини топишдан иборат эмас. Барча гап шундаки, шоир кенг, чуқур билимга эга бўлиши, туйғуларни юрак-юракдан ҳис қила олиши, фикру ҳисларини маҳорат билан етказа олиши ва уларга моҳирона безак бера олиши лозим. Аммо буларга эришмоқ учун бугунги шеъриятимизда на тимсоллар етарли, на ифода воситалари. Булар йўқлигининг сабаби — назм маданиятимиз ниҳоятда паст эканлигида. Кўзи олдиға, онги олдиға даврни катта, умумжаҳон бир полотно (тасвир саҳни — Н. Р.) сифатида келтиришга қодир қайси бир шоиримиз бор? Қайси бир шоиримиз бизнинг тарихий ўрнимизни бугунги тарихнинг тирик оқидамида охиригача ҳис қилишга қодир? Бундай шоирлар бизда ҳали йўқ”¹, деган Н. Бухариннинг сўзлари Усмон Носир учун шеъриятининг дастурига айлангандек, қалбига жо бўлиб, ижодига сингдирилгандек туюлади. Албатта, 22 ёшли талабага академик айтган ҳар бир сўз, билдирган ҳар бир фикр ниҳоятда қадрли бўлиши табиий. Шу сабабдан ёш шоир энди ижодининг йўнали-

¹ Н. И. Бухарин. Ўша асар, 282-бет.

шини белгилаб олганлиги яққол кўзга ташланади. Н. Бухарин маърузасида Юнонистон шеъриятига ҳамда олмон шоири Хейне ва унинг ижодиётига фалсафий ёндошиш масаласини кўп бора тилга олиб, шуларга эътиборни кучайтириб қаратганидан бўлса керак, Усмон Носир тарихни чуқур ўрганиш кераклигини олдиға мақсад қилиб қўяди. Ва поляк ёзувчиси Болислав Пруснинг “Фиръавн” ҳамда итальян ёзувчиси Рафаэлло Жованёллининг “Спартак” романларини тарихий манбалар сифатида қизиқиб ўқийди. Хейненинг шеърияти билан яқиндан танишади. Натижада “Яна шеъримга” деган асарида:

...Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Хейне билан ўртоқ тутиндим,
Лермонтовдан кўмак ўтиндим...¹ —

каби мисраларни пайдо этади. Хейне ижод қилган муҳит ҳақида батафсил билимга эга бўлиш иштиёқида, шоирнинг ижоди шаклланишида муҳим ўрин тутган француз социализми нима эканлигини, унинг ғоявийлигини ташкил қилувчи ва қон-қонига сингиб кетган “социализмнинг буюк утопик тизимлари” бўлмиш сенсимонизм ва қисман фурьеризм нима эканлигини билишга ошиқади. 1931 йилда нашр этилган “Сен-Симон ва сенсимонизм” номли китобни чуқур мутолаа қилади.

Шундай қилиб, Николай Бухарин Усмон Носирнинг ижодий йўлида катта ўрин эгаллаган шахсга айланади.

Лекин Усмон Носирнинг ҳаётида Н. Бухарин номи билан боғлиқ бошқа томонлари ҳам борки, улар шоир тақдирида кескин бурилиш ва ўзгаришларга сабаб бўлди.

Усмон Носир I Бутуниттифоқ Ёзувчилар съезидан қайтгач, Самарқанд Педакадемиясининг раҳбарияти ўзларининг “фахрли” талабалари билан шу даргоҳда таълим олаётган ёшларни учраштириш, Москвада ўтган анжуман ҳақидаги унинг таассуротларини билиш ва эшитиш ниятида дорилфунуннинг мажлислар залида “Ўзбек адабиётининг ҳозирги аҳволи ва келажагидаги вазифалари ҳақида”ги мавзуда анжуман ўтказди. Унда Усмон Носир маъруза қилди.² Ўз маърузасида ёш қаламкаш Н. Бухариннинг совет шеърияти ол-

¹ Усмон Носир. Юрак. Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 й. 79-бет.

² Бу ҳақда Муҳаммаджон Маҳмуднинг “Усмонни излаб” мақоласини кўринг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 й. 3 февраль.

дига қўйган вазифалар ҳақида тўлқинланиб, жўшиб гапирди. Аммо ана шу пайтда на Усмон Носирнинг ўзи, на залда ўтирган талабалару домлалар Совет Иттифоқи деган юртининг Марказида давлат арбоблари ўртасида бешафқат сиёсий курашлар авж олаётганлигини билишарди.

Н. Бухарин 1929 йилдан бошлаб “троцкийчилар ва бухаринчилар тўдаси”нинг ташкилотчилари, Ленин партиясига қарши курашчиси, бу курашларнинг ташаббускорлари ва хоинларининг бири сифатида айбланиб келарди. Лениннинг ибораси билан “партиянинг арзандаси” бўлган Бухарин энди марксизм ғояларидан “чекинган” шахс сифатида, “ички душман” сифатида партиянинг раҳбарлари сафидан четлаштирилганди. Чунки у Сталиннинг мамлакатни индустриллаштириш ва коллективлаштириш курсига монелик билдириб, бу сиёсатда деҳқончиликнинг барбод бўлишини илмий жиҳатдан исботлаб берган эди. (М. Н. Рютин, “Ко всем членам ВКП (б)”, “Литературная газета”. 1988 г. 29 июня. № 26.) Бухариннинг “айблари”дан бири шу эди.

Лекин 1930 йилда Бутуниттифоқ большевиклар Коммунистик партиясининг Марказий Қўмитасига ёзилган тавба-тазарру хати Н. Бухаринни Сталиннинг қаҳридан маълум муддатга асраб қолди. Ва у техника, иқтисодиёт, адабиёт фанлари соҳаларида ўз фаолиятини академик сифатида давом эттирди.


1934 йилнинг 1 декабрида Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоби Сергей Киров Ленинград шаҳрида отиб ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар яна троцкий-зиновьевчилар ва бухарин-риковчилар “тўдалари” бўйнига айбнома бўлиб тушди.¹

Мамлакатда кетаётган “партиявий тозалаш” жараёни авж олди. Матбуотда кетма-кет босилаётган мақолаларда юқорида айтилган “тўда”лар аъзолари шаънига лаънатлар ёғилди. Бундай аҳвол Самарқанд дорилфунунида тезкорлик билан яна бир йиғин ўтказиб, унда илгариги мажлисда Н. Бухарин маърузасидан фойдаланиб, унинг ғояси ва мафкурасини “тарғиб” қилган Усмон Носирни тазйиққа олиш кўзда тутилди. Бунга сабаб бор эди. Шу ерда бир оз орқага қайтишга тўғри келади. Ёзувчилар съездидан кейин ўтказилган мажлисда кўплаб ўқитувчилар орасида тилшунос Ғози Олим Юнусов ҳам бор эди. (Ўша йили у Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Бўлот Солиев қатори биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Қўмитаси то-



Ўртада Усмон Носирнинг онаси Холам биби. Чапдан Равзахон, Набижон Раҳмонов (Носир ҳожининг жияни), Роҳатхон, Инобатхон.

¹ История Всесоюзной КП (б). Госполитиздат. 1954, стр. 331.



Усмон Носир.




Носир ҳожи Масодиқов куёвлари Ўткир Рашид билан.



Усмон Носирнинг отаси Носир ҳожи Масодиқов.

Усмон Носирнинг вафоти ҳақидаги тиббий хулоса.



Хуллас, Усмон Носир профессор билан бўлган баҳсда истейдод хусусида тиббиёт, нафосат ва адабиётшунослик фанлари эришган муваффақиятлар ҳақида фикр билдириб, профессорнинг булардан беҳабарлигини таъкидлайди. Ўшанда талабалар орасида мағлубиятга учраган Ф. Юнусов унинг

² Н. И. Бухарин. Избранные труды.— Л. "Наука". 1988. Стр. 252—253.

“обрўйини тўккан” талабани энди жазолаш имкони пайдо бўлганидан фойдаланиб адабиёт факультети комсомол ташкилотининг котиби, дипломант Саломовни ишга солади.

Шундай қилиб, “партиявий тозалаш” жараёнининг бир кичик кўриниши Педакадемиянинг қироатхонасида ўтади. Профессор Ғози Олим Юнусов Усмон Носирни “бухаринчи” ликда айблайди ва комсомол сафидан уни ўчириш масаласини кўндаланг қўяди. Хонага тўпланган талабаларнинг бир қисми Усмон Носир комсомол сафидан ўчирилишини талаб қилади, бир қисми эса уни оқлайди. Сўз Усмон Носирга берилади (бу ҳақда шоир Адҳам Ҳамдамнинг магнитофон тасмасига туширилган хотираси ҳам мавжуд — Н. Р.). У Ғози Юнусга қарата: “Ҳурматли профессор, сиз бизнинг отамизсиз. Ўша пайтда мен шундай хато қилган эканман, нега сиз мени сўкмадингиз, шопалоқлаб қўйиб юбормадингиз? Шунча пайтдан бери юрагингизда сақлаб, энди шу ерда гапиряпсизми? Ахир сиз бизнинг устозимиз эдингиз-ку! Шундай экан, икки кулоғингиз билан эшитиб олинг — сиздақанги ўнга профессордан битта ўша Бухарин яхши...” дейди.

Бу воқеа ҳақида Мухаммаджон Маҳмуд “Усмонни излаб” мақоласида шундай ёзади: “Комсомол котиби Саломов талаба Усмон Носирни уюшма аъзолигидан ўчириш масаласини овозга қўйди. Аммо Усмон натижани кутиб ўтирмай шаҳд билан туриб хонадан чиқиб кетди ва эшикни шундай қаттиқ ёпдики, у кесақисига зарб билан урилиб, яна ланг очилиб кетди. Бирдан ўтирганларнинг қарийб ярмиси, жумладан, Иброҳим Назир, Амин Умарий, Қайом Пулат, Ўткир Рашид, Насрулло Даврон, Адҳам Ҳамдам ва мен чиқиб кетдик”.

Орадан икки кун ўтиб Усмон Носир Янги — 1935 йил арафасида уйга — Қўқонга қайтиб кетди. Педакадемиянинг ректори Карим Абдуллаев Ғози Олим Юнусов тазйиқи билан факультет ёшлари уюшмаси чиқарган қарорни инобатга олмай, истеъдодли талаба Усмон Носирни 1935 йилнинг ёз фаслигача кутган. Лекин қайсар, бир сўзли шоир қайтиб ўқишга келмаслигига амин бўлгач, 16 июль кuni уни талабалар сафидан чиқариш ҳақида буйруқ берган.

Усмон Носир Самарқанддан Қўқонга таассурот, ҳаяжон, армон ва аламларга тўла юрак билан қайтди. Ва бу туйғулар оловли шеърлар бўлиб тўкилди...

1998 й.

УСМОН НОСИРНИНГ “ДУШМАН” ПЬЕСАСИ ТОПИЛДИ

Усмон Носир ижодини ўрганган тадқиқотчилар шоирнинг бизга қолдирган адабий мероси ҳақида сўз юритар эканлар, бу мерос 5 та шеърый тўплам (“Қуёш билан суҳбат”, “Сафарбар сатрлар”, “Тракторобод”, “Юрак”, “Меҳрим”), “Нахшун” ва битмай қолган “Норбўта” номли дostonлар, “Атлас” драмаси, “Боғчасарой фонтани” (А. С. Пушкиндан) ҳамда “Демон” (М. Ю. Лермонтовдан) dostonларининг таржималаридан иборат деб таъкидлаб келадилар.

Изланишлар туфайли бизга шу маълумки, Усмон Носир “Зафар” (1929 й.), “Назиржон Халилов” (1930 й.), “Душман” (1931 й.) драма асарларини яратган, рус драматурги В. М. Киршоннинг “Сўнги кун” пьесасини ўзбек тилига ўтирган (1932 й.), “Тўрўғли” операсининг либреттосини ҳам ёзган. Яна шу маълумки, Усмон Носир қатағонга учраб, Сибирь лагерларида сургун қилинган, Златоуст ва Магадан қamoқхоналарида ҳам ижод қилишни давом эттирган. Шоир 1940 йил 20 август кuni Магадан қamoқхонасидан И. В. Сталинга ёзган аризасида бу асарлар — “битта шеърый роман, учта пьеса ва бир қатор шеърлар эди”, деб маълумот берган. Усмон Носир ўша кўлёмаларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборганлиги ҳам маълум. Аммо ҳанузгача бу асарлар йўққа чиқарилиб келинди.

Мен ҳам Усмон Носир ҳаёти ва ижодини кўп йиллар ўрганиб, изланишларим натижасида шоирга тегишли, унинг ўз кўли билан битилган бир қанча дастхатлар, ҳужжатлар, кўлёмалар ва китобларини топишга муяссар бўлдим.

Булар орасида бизгача матни етиб келмаган деб ҳисобланган “Душман” пьесасининг нашри ҳам бор.

1927 йилда бўлиб ўтган ВКП (б)нинг 15 съезди янги социалистик тузум даврига кирган қишлоқларда коллективлаштириш жараёнини партиянинг асосий вазифаси деб эълон қилди. 1929 йилдан бошлаб деҳқонлар мажбурий равишда ёппасига колхозларга — жамоа хўжаликларига бирлаштирила бошладилар. Коллективлаштириш жараёни оғир синфий курашлар билан боғлиқ бўлганлигини тарих яхши билади. Бу кураш деҳқонлар ва “кулак”лар — “муштумзўрлар” ўртасида уюштирилиб, жиддий тўқнашувлар, ҳатто қонлар тўкишгача олиб борди. “Кулак” — “муштумзўр”лар бутун халқнинг нафратига рўпара этилдилар. Улар давлатнинг сиёсатига, элнинг ҳаёти ва фикрлаш тарзига мутлақо зид кимсалар, яъни “душманлар” деб эълон қилиндилар.

Марказий Қўмитанинг 1930 йил 5 январь куни қабул қилинган қарори “кулак” — “муштумзўр”ларга кўриладиган чорани кучайтиришга қаратилди. Улар эксплуататор сифатида мамлакатнинг энг катта ва охириги синфини ташкил қилувчи, социализм тузумининг ашаддий душмани ҳисобланиб, йўқ қилинишга маҳкум этилди. Бу давр сиёсати — ҳар жабҳада янги турмушга монелик қилаётган, янги совет йўлидан юришга халақит бераётган душманлар кўп деган тушунчаю ишончли омма онгига киритиш ва сингдиришдан иборат бўлиб қолди.

“Душманлар” ҳамма ерда ахтариладди. Бу сиёсат барчани зийрак бўлишга, ота ўғилни, ўғил отани, ака укани, ука акани хоинларча сотишга ундарди. Хавотирлик ҳолати бутун мамлакатни қамраб олган давр эди. Бу сиёсат, кейинчалик машҳур адиб Чингиз Айтматов айтгандек, “манқурт”ларни етиштириб, тарбияловчи, тоталитар тузумни яратиб берувчи сиёсат эди.

Бу давр “Павлик Морозов”лар даври эди. Ота-онасининг устидан бўҳтон, ёлгонларни ёғдириб, уларни хоинларча сотиб, оттириб, эвазига юртнинг “қизил қаҳрамони” бўлиб ардоқланганларнинг даври эди.

Шулар билан бир қаторда мамлакатда халқ хўжалигининг ҳар жабҳасида индустриализация ривожига, йирик машиналар ишлаб чиқариш, илғор замонавий техника ускуналари яратиш, ҳаётга тадбиқ этиш сиёсати ҳам катта аҳамият берилди.

Бу жараён 1929 йилда тезкор суръатлар билан ўтказила бошлаганди. Айниқса қишлоқ хўжалигини индустриалаштириш борасида колхозлар моддий-техникавий база билан таъминланишига эътибор қаратилганди. Яъни, қишлоқларга техника ашёлари кириб кела бошлаган эди.

Янги тузилган социалистик давлатнинг яна бир сиёсатига кўра колхозлар тузилиши ва уларнинг келажак фаолиятига халқни, асосан деҳқонларни ишонтириш лозим эди. Шунинг учун колхоз, унинг аҳамияти, деҳқонлар турмушининг ўтмишию янги ҳаёти ҳақида контраст, яъни таққослаш усули асосида кўплаб асарлар яратишдек вазифа ёзувчилар олдида қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик коллективлари Иттифоқи 1931 йил август ойида “Барча колхозлар бошқармаларига” деган фармонида жавобан ўша 1931 йилнинг 9 сентябрь куни 1085 рақами остида Ўзқишлоқ хўжалик коллективлари Иттифоқининг Қўқон райони бўлими ҳам қарор қабул қилади. Унда Қўқон Давлат ўзбек драма

театри колхозларда пахта йиғим-терим кампанияси ҳақида пьесалар қўйишни ташкил этаётганлигини билдириб, барча жамоа хўжаликлар бошқармалари бу жараёнга керакли кўмак беришларини буюради.

Кўплаб ўзбек ва бошқа миллат ёзувчилари қатори пахта мавзусида Усмон Носир ҳам драматик асар ёзишга киришди ва бир ой ичида унинг тугалланган “Душман” пьесаси Қўқон драма театри сахнасида ўйналади.

1935 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти “Колхоз сахнаси” номи билан пьесалар тўпламини чоп этади. Бу китобга “колхоз ва клуб сахналари учун” ёзилган Ғайратийнинг “Далага қараб”, Ш. Саъдуллаевнинг “Чегарачилар” (сюжети Егор Всевожскийдан), Н. Қобулийнинг “Ташландиқлар” ва “Ландавур” (сюжети татарча “Ялқов Бегмуҳаммад”дан олинган), Мажид Файзийнинг “Шатак”, А. Белийнинг “Урушчилар”, Махди Валитовнинг “Ҳосилот соқчилари”, Р. Раҳимийнинг “Суръат” драматик асарлари қаторида Усмон Носирнинг “Душман” пьесаси ҳам киритилган эди.

Мажмуанинг биринчи саҳифаларида “Ўзбекистон бош репертуар бошқармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мухтор драм секцияси бу тўпламни Ўзбекистон академик давлат театрусининг XV йиллик юбилейига бағишлайди” деган кириш сўзи ва Ўздавнашрнинг мазкур “Колхоз сахнаси” номли пьесалар тўпламида “Ўт ичида ўйин” деган бир пьеса бўлиб, бу асар ушбу тўплам муҳаррири Фатхуллин томонидан ёзилган эди.

Бироқ, китоб босилиб тайёр бўлгунча, “Ўт ичида ўйин” пьесаси Ҳамза театрида ўйналганда, бу пьеса юзасидан газетада танқид чиқади. Танқидда пьесанинг театр жамоасининг фуқаролар уруши давридаги қаҳрамонона курашини бузиб кўрсатганлиги билдирилган. Театрда мазкур тақриз муҳокама қилиниб, тақризда айтилганлар тўғри топилган. Шунга кўра театр жамоасининг қарори ҳамда Фатхуллиннинг ўз аризасига мувофиқ Ўздавнашр тўпламдан “Ўт ичида ўйин” пьесасини (5—26 нчи бетгача) олиб ташлади” деган ахбороти берилган.

Усмон Носирнинг 1931 йилда ёзилган “Душман” пьесаси китобнинг 67—94-бетларини эгаллаган 5 пардали драмадир.

Воқеа Ўзбекистондаги пахта заводларининг бирида ўтади. Саҳнада трансмиссия, яъни двигателдан механизмга ҳаракат ўтказиб берувчи қурилма ўрнатилган. У бузилиб ётибди. Атрофида йиғилган ишчилар орасида технорук Масленников, ёрдамчи механик Ботир “машинанинг уёғ-буёғини кўриб

турадилар”. Завод директори Карамов ва комсомол ташкилотининг раҳбари Зайцинлар келиб, ускуна қандай ва ким томонидан бузилганини суриштира бошлайдилар.

Шу аснода муаллиф асарнинг тугунини пайдо этиб, кульминацион нуқтага етгунгача кучли драматизмдан фойдаланади. Бутун пьеса давомида ўқувчи олдида “Машинани душманлик қилиб ишдан чиқарган ким экан?” деган савол кўндаланг туради. Драматизмни кучайтирадиган нарса айнан шу савол. Асарнинг кульминациясини муаллиф охири пардада бўладиган воқеаларгача олиб келади. Ниҳоят хотима пардада асарнинг ечими берилади. Унда суд ўтаётганлиги кўрсатилиб, ҳақиқий душманлар фош этилади. Вентилятор бўлимининг ишчиси Худойберди нафақат трансмиссияни портлатгани, балки заводдаги душманларнинг гапига кириб, уларнинг буйруғи билан яна бошқа кўп ёмон ишларни ўз қўли билан бажарганлиги, пахтани ёмғирда атайлаб қолдирганлиги, ўша пахтага хашак аралаштириб қўйганини бўйнига олиб, афсус чекади.

“Душман” пьесасини яратган чоғда Усмон Носир 19 ёшда эди. Аммо бу драматик асар билан танишган ҳар бир ўқувчининг шаклию мазмуни, композициясию тили, ёзувчилик маҳорати, мавзуга теранлик билан ёндашиб, қўйилган аҳамиятли ва долзарб муаммони юқори истеъдод ва чуқур билим билан ҳал қилинишидан ҳайратланмай қолмайди.

Ўзбек адабиёти учун у даврда деярли ҳали янги бўлган драматургия жанри талабларига баҳоли қудрат жавоб берувчи бу асар ўша 30-йиллар нафаси, янги тузум тизимида яшаётган мамлакатнинг сиёсати ва манфаатларини ўзида моҳирона акс эттира олган.

Янги топилган “Душман” пьесаси 30-йиллар ўзбек драматургияси шаклланиш тарихини ўрганиш ҳамда шоир Усмон Носир ижодини тадқиқот қилишда қимматли манба бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, Усмон Носир яратган ва бизгача етиб келган асарларининг рўйхати яна биттага бойиди. Бу шоиримизнинг ижоди ва ҳаётини ўрганиш, у ёзган, аммо “йўқолиб кетган” меросини излаб топиш, аниқлаш йўлидаги илк қадамлар ва биринчи ютуқдир.

1997 й.

НЕГА ДОСТОН БИТМАЙ ҚОЛГАН?

Усмон Носир “Норбўта” достони устида 1932 йилнинг ёзидан то 1933 йилнинг бошларигача ишлади. Бу асарни ёзишга нима туртки бўлди экан? Усмон Носирга бир асар устида шунчалик узоқ ишлаш хос эмасди. Айниқса, ижодкор киши шунга яхши биладики, фақат зўрма-зўраки яратилаётган асар тезда битмайди. Демак, Усмон Носир учун “Норбўта”даги мавзу “ярқ” этиб дилида чироқ ёққан, аммо қайсидир бир ўй асарни тугаллашга йўл қўймаган. Қандай экан у ўй? Агар шоир бу асарининг тугагини истаганида, албатта унга қайтар эди, албатта уни тугатар эди. Чунки у шеъриятининг ҳар бир сатрини, ҳар бир мисрасини севувчи ижодкор эди, “мажнуни” эди.

Достонда Усмон Носир бадий топилмалар, бадий иқтидорни нозик таъб ва дид билан топиб бажаради, юксакка кўтаришга ҳаракат қилади. Ўзининг поэзиясига хос бўлган шоирона кўз билан табиатни кўриб, носирийча қилиб тасвирлайди.

Гоя очишда фанатизм даражасидаги фидоийликни кўрсатади:

Билмайсанми,
Норбўта менман!
Пост онамнинг
Бағридан қиммат.
Мен шу постлар
Учун яралган.

.....
Унутсам мен
Ота-онамни,
Ҳатто умримни,
Унутмасман
Шонли постимни.

“Павлик Морозов”чилик сиёсати адабиётга кириб келишининг акси “Норбўта” достонида кўринади. Ака-укалар... Бири — босмачи, бири — қизил.

Норбўта ўз акасини отиб ўлдиради. Аммо бир зумлик изтиробдан сўнг қилган ишини оқлайди. Чунки акаси душман, “бегона”. Чунки:

Бегонами бу?
“Бегона! Эҳ... Душман ўласи.
Тфу! Сенга

Ки қора юрак.
Бир эмчакдан
Эмган эсак ҳам
Тилак бизни
Бутун айирган.
Мен от кўйиб
Тўғри йўл олдим.
Сени душман
Томон қайирган”.

Норбўта шафқатсиз. Ватан душмани — ким бўлишидан қатъи назар — унинг душмани. Норбўта фидойи, фанат:

Унутсам мен
Отам-онамни,
Унутсам мен
Қариндошимни.
Унутсам мен
Хатто умримни,
Унутмасман
Шонли постимни!—

деб юрак-юрагидан хитоб қилади у.

Бу сатрлар давр одамларни манкурт қилаётганлигининг исботи эмасми? Ёш шоир ўша даврнинг қозонида қайнаб, замон, сиёсатга ён босиб, ижодини тузум талаб қилаётган гоёга қаратмаяптими?

Лекин дoston олдиға қўйилган асосий мавзудан чиқиб қилинган лирик чекинишларда шоир Усмон Носирнинг асл чеҳраси очилади. Носирона ёзилган бу парчаларда муаллиф самимий, ўзини ҳам, ўқувчини ҳам алдамайди. Юрагининг ҳовурини батамом сатрларга кўчиради:

...о...ўзи ўзин
Ўлдирмакни ўйлаб, тиг билан
Кекирдакка ўқталди... бирдан
Ўзи кўрқиб кетди ўзидан!
Қон томарди икки кўзидан!...—

деган сатрлар билан тўхтади... ва бошқа давом этмайди... Муаллиф бу асарга кейин қайтмайди... Яна савол туғилади. Нима учун юртда айни “босмачилар” ва янги давлат ўртасида бўлаётган кураш энг долзарб сиёсий масала эканлигида асар “токчага олиб қўйилади?!” Нега?!

Бу саволга жавобни Усмон Носир яшаётган оилавий муҳитдан ахтармоқ керакдир. Юрак кўри билан яратилаётган бу дostonни Усмон завқ-шавққа тўлиб яқинларига ўқиб беради. Асарни у Самарқанддан Қўқонга таътилга келганида ёза бошлайди. Айнан ўша кезде Носир ҳожининг укаси Мансуржон Масодиқов қиз кўради ва дoston қаҳрамонлари ҳаёти билан нафас олаётган Усмон бу қизга Сарварнинг исмини қўйишни таклиф этади. Шу бўйича унинг исми Сарвар бўлиб қолади. “Норбўта”ни шоир отасига ҳам ўқиб беради, дostonда кўтарилган гоёни тушунтиради. Шунда ҳаётини Туркистон дивизиясида таржимонликка бахшида қилган, оловли ва қонли курашларнинг ичида бўлган Носир ҳожи бу мавзунини ижодда кўтармасликни маслаҳат қилади. Ва ўғлига “босмачилар” деб аталмиш зотлар хатти-ҳаракатларининг туб моҳиятини тушунтиради, уларнинг чин ватанпарвар эканлиги, юртни босқинчилик қилиб эгаллаётган, қадриятларни топтаётган қизилларга қарши курашчилар деб тасвирлаб беради. Бу суҳбат шоирнинг кўзини анча очади, атроф-муҳитга, сиёсатга зийракроқ боқишга ўргатади, масалага фалсафий ёндашмоққа ундайди, ғофилликка тўла, боши берк кўчалардан чиқиб олишига кўмаклашади. Эҳтиросга тўлиб ёзилаётган дoston шу сабаб битказилмай қолади...

Усмон Носир энди кўз олдида яратилаётган тарихнинг акс томонини, ҳақиқий юзини кўрмоқликка ҳаракат қилади, воқеликни англамоққа, ҳақиқатни фаҳмлаб олмоқликка тиришади ва шундан кейин ижодида батамом янги йўналиш бошланади. Яъни у ўзини илгари шеърларида кўринган ҳукмрон пафос, ура-урачиликдан озод эта бошлайди. Ва шеърларида биринчи ўринга фикр ва мулоҳазали ўйлар чиқади. Натижада “Қора сатрлар” шеъри пайдо бўладики, унда шоир энди “Норбўта”да кўтарган гоёнинг аксини беришга уринади:

Э!... Бу майли. Яна эсимда
Кўчаларда оққан дарё қон.
Мен билмайман, аммо тушимда —
Шунда акамни кўрдим қурбон...

Кетдим деган, қайтиб келмаган,
Зулмга сабри чидай олмаган,
Йигит эди, сўзлар эди рост,
Фақат шуни биламан, холос!
О, у юрак, о, у тилла бош
Ўлим учун чиққанми эдинг?
Йўқ, биламан, фақат тинч яшаш —
Эркин учун олишган эдинг!

Агар “Норбўта”да қаҳрамон сохта гоя учун ўз акасини душман билиб, унинг қонини оқизган бўлса, “Қора сатрлар”-нинг лирик қаҳрамони “тинч яшаш” ва “эрк учун олишиб” ҳалок бўлган акаси учун куйиб изтироб чекади, “кўчаларда оққан дарё қон”ни эслайди. “Юрак” шеърида эса ҳайқиради:

Итоат эт!

Агар сендан —

Ватан рози эмас бўлса,

Ёрил, чақмоққа айлан сен,

Ёрил! Майли, тамом ўлсам!...

Шоир Ватанига жонини қурбон қилишга тайёр. Ўзининг Ватани учун.

Шундай қилиб, Усмон Носир ижодидаги ilk бурилишнинг сабабчиларидан бири шу бўлса ажаб эмас.

БЎРОНДАЙ КЕЛИБ КЕТГАН ШОИР

Усмон Носир сиймосига яна бир назар

Усмон Носир 1912 йилнинг 13 ноябрида Наманган шаҳрида дунёга келиб, 1918 йилнинг май ойидан бошлаб Қўқонда яшаб, ўқиб, вояга етди. Отаси Носир ҳожи Қўқоннинг Гишткўприк даҳасида истиқомат қилиб, катта нуфузга эга бўлган Масодиқбойнинг иккинчи фарзанди эди. Бу йирик пахтачи бой фарзандларининг (унинг 6 нафар ўгли, 3 нафар қизи бўлган) маърифатли ва илмли бўлишига катта аҳамият берган. Носир ҳожи Масодиқов ҳам маърифатпарвар зиёли киши бўлган.

У 1916 йил арафасида Наманганда мулла Адҳам Охун ҳожининг Холам биби исмли бева қизига улангач, унинг учун атай Қозон шаҳрида ношир-муҳаррир Я. Халилий томонидан “Ҳар бир зиёли аёл учун” 1913 йилдан бошлаб ойда икки маротаба чиқарила бошланган “Сюма-Бика” хотин-қизлар журнаliga обуна бўлган. Журналнинг 1916 йилга тегишли 24 та 1917 йилги 5 та сони оила архивида сақланиб келмоқда. Бу факт Усмон Носир маънавиятга катта эътибор берилган оилавий муҳитда вояга етганидан далолатдир.

1917 йилдан 1928 йилгача Наманганда ҳарбий хизматда бўлган Носир ҳожи Масодиқов Қўқонга тез-тез келолмагани боис ёш Усмоннинг тарбиясини укаси Ибоджон Масодиқовга топширади. Усмон 1920—1924 йиллари Қўқондаги 3-мактабда ўқийди. Унинг қизиқувчанлиги, зеҳни ўткирлигини сезган Ибоджон Усмонни шаҳарда янги очилган мактаб-интернатга беришга қарор қилади. Мактаб-интернат асосан йўқсил, етим-есир болаларни ўқитиш учун очилган эди. Шу сабаб Ибоджон Масодиқов жиянининг келажакини ўйлаб, унинг ўз отаси Маматхўжа домла вафот этганлигини рўқач қилиб, болани ўқишга жойлайди. Акаси Носир ҳожига бунни тушунтирганда, орияти кучли Носир ҳожи мактаб-истамай розилик беради.

Усмон Носир 1924—1929 йилларда шу мактаб-интернатда ўқийди. Адабиёт муаллими Мухтор Муҳаммадийнинг кўмаги билан 6—7 синфдаёқ улуг шоир Ҳамзанинг оқ фотиҳасини олиб, адабиёт майдонига кириб келади.

Шоир Туроб Тўла ибораси билан айтганда, Усмон Носир “Шеърятимизга шамолдай келиб кетди. Балки бўрондай! У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърый услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда ўзбекнинг Лермонтови, Москва газеталарида “Шарқда Пушкин пайдо бўлди”, деб ёзишди”.

Усмон Носир адабиётда 7—8 йилгина ижод қилди, аммо шундай мерос қолдирдики, бу мерос мумтоз асарлар қаторидан жой олди. У 1932 йили “Қуёш билан суҳбат”, “Сафарбар сатрлар”, 1934 йили “Тракторобод”, 1935 йили “Юрак”, 1936 йили “Меҳрим” номли шеърый тўпламларни нашр эттирди. (“Шахло” ва “Назмим” номли тўпламларининг қўлёзмалари шоир “халқ душмани” деб эълон қилингач, нашриётда йўқолиб кетган.) У “Нахшун” (Усмон Носир ўз қўли билан ёзган ва архивда сақланаётган ҳужжатда дostonнинг номини “Нахшон” эмас, “Нахшун” деб ёзган), битмаган “Норбўта” номли дostonларини эълон қилди, шоир таржимасидаги А. Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани”, М. Лермонтовнинг “Демон” (“Иблис”) поэмалари бадиий таржиманинг энг юксак намуналаридир.

Усмон Носир яратган тўртта сахна асарларидан бизгача фақат “Атлас” (1934) ва “Душман” (1931) пьесалари матни етиб келган. У 1929 йили фуқаролар урушини акс эттирувчи “Зафар” (бу пьеса 1937 йилгача Қўқон театрида қўйилган) ва 1930 йили коллективлаштириш мавзуидаги “Назиржон Халилов” драмаларини яратгани ҳақида баъзи манбалардан биламиз, холос.

Адабиётимиз тарихида илк бор ва атиги бир марта ёш шоир ижодининг 10 йиллиги (1927—1937) нишонланган, бу шоир Усмон Носир эди. Адабий кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 1937 йил 27 январь куни ўтказилган. Бу Усмон Носир истеъдодига тан берилгани, унинг катта шоир эканлигини асословчи воқеа эди. Аммо тоталитар тузум, ғараз ва кўролмасликлар туфайли шоирнинг ҳаёти силлиқ кечмади. Унга, унинг истеъдодига тазйиқлар 1934 йилдан кескин тус ола бошлади. Оқибатда 1935 йил арафасида — III курсда дорилфунунни ташлаб кетди. Самарқанд Педагогика академиясининг ректори Карим Абдуллаев бу “ўжар, исёнкор, аммо истеъдодли” ўзбек адабиётининг фахрига айланиши мумкин бўлган талабага чақирув хатлар жўнатади. Аммо Усмон Носирдан дарак бўлавермагач, уни талабалар сафидан ўчиришга буйруқ чиқаради.

Хуллас, 30-йилларда ўтказилган “жамиятни тозалаш” сиёсати гирдобига тушиб қолган 24 ёшли Усмон Носир 1937 йил 13 июль куни ҳибсга олинди, 1938 йили Сибирга сургун қилинди.

Сургуну қамоқхоналарда ҳам Усмон Носир асарлар яратган. 1940 йил 20 августда Магадандаги қамоқхонадан “халқлар отаси ва раҳнамоси” Сталин номига ариза ёзиб, маҳбусликда “битта шеърый роман, учта пьеса, бир қатор шеърлар” битганлигини айтиб, “Мен ҳали ёшман, мен ҳали ижод қилишим ва яшашим керак”, деб озодликни сўраб илтижо қилади. Шоирнинг аризаси безътибор қолмайди. Сталиннинг буйруғи билан Ўзбекистоннинг раҳбари Усмон Юсупов профессор Боровков, Сиддиқ Ражабов ва Мақсуд Шайхзодадан иборат текширув комиссиясини туздириб, шоир Усмон Носир ижодини ўрганиш ва хулоса чиқаришни талаб қилади. Батафсил ўрганув натижасида комиссия Усмон Носир ижодида “ҳеч қандай айб йўқ”лигини эътироф этади.

Аммо шоирнинг айрим “ҳамкасблари” яна ўз кирдикорларини давом эттирадilar, унинг республика Ёзувчилар уюшмасига юборган янги асарларини сир тутиб, 1944 йилнинг 5 май куни тезкорлик билан чақирилган мажлисда уни бошқатдан қораладилар. Улар Усмон Носир 1944 йилнинг 9 март куни Узоқ Сибирнинг Кемерово вилояти Мариинск тумани Суслово қишлоғи (ҳозирги “Первомайск”) ҳудудида жойлашган лагерларнинг бирида 31 ёшида дунёдан кўз юмганидан беҳабар ҳолда унга қарши “курашардилар”.

Бизга Усмон Носирнинг пок номи, шеърятда яратган мактаби ва тенгсиз истеъдодининг намуналари қолди. Ада-

биётшунос, тадқиқотчилар олдида шоирнинг 1937 йили “Ўздавнашр” нашриётида қолган ва қамоқхоналарда битган асарларини топишдек улкан вазифа турибди.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР: Мен 1998 йил март ойида Кемерово вилоятига Усмон Носир қабрини зиёрат қилиш ва вилоят ички ишлар бошқармаси архивидаги шоирга тегишли ҳужжатлардан кўчирмалар олиб келиш ниятида бордим. 21 март куни Кемерово вилояти бошлиқларидан бири полковник Владимир Михайлович Вепрёв билан бирга Мариинск тумани Первомайск қишлоғи ҳудудидаги маҳбуслар қабристонида келдик. Шу кунларда истиқомат қилаётган 75 ёшли мўйсафид Анатолий Митрофанович Сирота билан суҳбатлашиб, анча-мунча янги маълумотларга эга бўлдик. У 1944 йили шоир сургунни ўтаган Суслово лагерида ҳарбий соқчилар бўлимида хизмат қилганини ва лагерь маъмуриятининг шоир Усмон Носирнинг жасадини барча маҳбуслардек эмас, балки тобутга солиб, алоҳида қабрга қўйиш тўғрисидаги буйруғига биноан ўз қўли билан тайин жойга дафн этганини сўзлаб берди. Қорлар эригач, қабр қаерда эканини кўрсатиб бера олишини айтди. Суҳбатдан маълум бўлдики, 1961 йилгача, яъни собиқ Совет Иттифоқи коммунистик партияси Марказқўмининг фармони билан Сибирдаги лагерлар тугатилгунгача, Усмон Носирнинг қабрига ўрнатилган ёдгорлик турган экан...

Кемерово вилояти ҳокими Омон Тулеев мени ўз қабулига таклиф этиб, август ойида Усмон Носир қабрини очиб, текширувлар ўтказиш ва шоир хокини ватанига кўчиришда кўмаклашишни ваъда қилди. Архив ҳужжатларида Усмон Носир хокини аниқлашда икки белги борлигини қайд қилишган: тиббий хулоса бўйича шоирнинг чап оёғидаги беш панжаси йўқ ва у дафн этилаётганида қўлига 12192 рақамли белги — чўпхат бойланган.

Мен Усмон Носирнинг Кемерово ИИБ архивида сақланаётган “Дело”сидаги бир неча ҳужжатлардан кўчирмалар олиб келишга муяссар бўлдим. Бу ҳужжатлар шоир шахси атрофида тўғри-нотўғри гаплар, мишмишларга нуқта қўяди, деб ўйлайман. Шу ҳужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, Усмон Носирнинг 1944 йил 9 март куни вафот этгани аниқ. Унга берилган хулосага асосланиб айтиш мумкинки, шоир ҳеч қандай руҳий хасталикка дучор бўлмаган, сил касали билан оғиргани эса фақат 1943 йили қайд этилган.

Усмон Носир умумий лагерларда сургун муддатини ўтаган, зона кутубхонасига мудир этиб тайинланган, ҳаваскорлар тўғарақлари учун рус тилида пьесалар, кўшиқлар ёзиб

берган. Лагерь маъмурияти ҳурматига сазовор бўлган. Уни озод қилишни сўраб бир неча бор Сиблаг прокурори ва бошлиқлари НКВДга мурожаат қилишларига, Ўзбекистонда Сталин буйруғи билан тузилган комиссия шоирни оқлаганига қарамай, илтимосларга ҳамиша рад жавоби келаверган. Шоир роппа-роса 10 йилга қамалган эди. 1947 йил июль ойида сургун муддати тугаб, озод бўлиши шубҳасиз эди. Хужжатлар шуни кўрсатадики, Усмон Носирни 1950 йилларда кўришган, у Магаданда эди, деган гаплар нотўғри.

1998 й.

РУҲЛАР НОТИНЧ БЎЛМАСИН

Республика Президентининг 1999 йил 12 май куни эълон қилинган фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатағон қилинган кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича “Хотира” жамоатчилик комиссияси тузилди.

И. Каримовнинг “Хотира деганда биз бу фоний дунёда ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироқларини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир”, деган сўзлари барча учун даъват бўлиб янгради.

Халқимиз тарихида эзгу саҳифа очган бу ҳаракат эл орзу қилиб етишган мустақилликнинг энг катта ва забардаст ютуғидир.

Давлатбошимизнинг бу ташаббуси ҳар бир кишининг олдига олий мақсад — тарих саҳифаларини тозалаш, ёлғон, нотўғри маълумотлардан холис қилишдек катта вазифани юклади.

Ўша машғум мустамлакачилик даврида озор чекиб ноҳақ қурбон бўлганларнинг руҳларини шод этиш, хотирасига пуртур етказмаслик ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Бу бурчни адо этишда фақат ва фақат ҳақиқатга таяниб иш кўрмоқ лозим. Бу борада шахсий адоват, гина-кудуратларга йўл бериб бўлмайди. Ўтган аждодларнинг зирқираган руҳини ёлғону тухматлар билан қақшатмоқ гуноҳи азим ҳисобланади.

Руҳларни хотирлашдек муқаддас ишга киришарканмиз, аввало, барчамиз ҳам бир халқнинг фарзандлари эканлигимизни унутмаслик, Юртбошимиз ҳар доим таъкидлаганидек, “бир ёқадан бош чиқариб”, ҳамиша эзгулик ва яхшилик сари интилоғимиз керак.

Барчамизга аёнки, мустамлакачилик даврида халқимиз минглаб энг асл фарзандларидан жудо бўлди. Элда “фарзанд доғи энг оғир дард”, деган гап бор. Бу доғнинг жароҳати бир умр битмайди. Бу дард авлоддан авлодга ўтади, дилларни кемириб туради, алам ва армон бўлиб қалбларини ўртайди.

Халқимизнинг ана шундай фарзандларидан бири шоир Усмон Носир эди. Машғум тузум катта йўл очиб берган хонлик — иғволар сабаб 24 ёшида қатағонга учраган шоир Истиклол туфайли эл орасида ардоқ топди. Бугунги авлоднинг шоир ҳаётию ижодига бўлган қизиқиши тобора ошмоқда. Шундай экан, бу оташнафас, ўз умри, тақдири билан ёшларга ибрат бўлишга арзийдиган шоир умрига, фаолиятига ҳаққоний назар билан қараш лозим. Токи келажак авлод олдида ноҳақ, нотўғри гаплар айтиб қўйилиб, юзимиз шувут, номимиз қаро бўлмасин. Чунки алломаларимизнинг ўтмиш ҳаётлари ҳали кўп ўрганилиши, тадқиқот қилиниши бешак.

Оммавий ахборот воситалари ва матбуот орқали Усмон Носир ҳақида, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида хилма-хил фикрлар айтилмоқда, ёзилмоқда. Булар орасида шоир шаънига салбий, ёлғон гаплар кўп. Бу борада шуни айтиб ўтиш жоиздир, машҳур шахслар ҳақида гап кетаркан, “миш-миш”ларни рўкач қилиб эмас, албатта тарихий фактлар, хужжатларга асосланмоқ лозим.

“Сомон йўли” телекўрсатувининг бирида “Усмон Носир руҳий хаста бўлган, курашиш у ерда турсин, у мустақиллик нима эканлигини ҳатто тушунмаган, қамоқхоналарда ҳеч қандай ижод қилмаган, Ўзбекистонга ҳеч қандай қўлёмалар юбормаган” деган асоссиз сўзлар ойнаи жаҳон мироти орқали баралла айтиб юборилди.

Шу гапларнинг барисини инкор қилувчи хужжатларга мурожаат қилиш масалани равшанлаштириши мумкин. Бу хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати ҳамда Россия Федератив Республикаси Кемерово вилоятининг Ички Ишлар Бошқармаси архивида сақланаётган Усмон Носирга тегишли “Дело”ларда мавжудлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Усмон Носир 1937 йилнинг 14 июлида ҳибсга олинган, НКВД (Ички Ишлар Халқ Комиссариати — *Н.Р.*)нинг ички қамоқхонасида сақланган. Бу ерда у қатор сўроқлар, терговларни бошидан кечирган. Унинг устидан у қамалишидан аввалроқ НКВДга ёзилган бир неча “чақув” хатлар матнидан Усмон Носирни атайлаб қаматиш уюштирилганлиги аён бўлади. Бу ерда шуни ҳам айтиш лозимки, ўша йилларда

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг баъзи раҳбарлари НКВДнинг ёлланган ходимлари эдилар. Шоирни ҳамкасабалари беаёв, хоинларча сотиб, қоралаганлари аён бўлади. Натижада, ўша 37-йилнинг 5 декабрида Усмон Носирга қўшимча айблар қўйиш тўғрисида НКВД ходими лейтенант Огабеков тасдиқлаган Қарор бор. “Дело”да “Носиров Усмон 1935 йилдан бошлаб ҳибсга олингунга қадар ўз олдида Ўзбекистонни мажбуран СССР (Совет Иттифоқи — *Н.Р.*) таркибидан ажратиб олиб, унинг ҳудудида мустақил миллий-буржуа давлат яратишни мақсад қилган аксилинқилобий миллатчилар ташкилоти аъзоси бўлганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд...” (15-бет) дейилган.

Бу жумла “Дело”да пайдо бўлишига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида тузилган махсус комиссиянинг “Усмон Носировнинг аксилинқилобий миллатчилик хатти-ҳаракатлари ҳақидаги хулосалари” сабабчи бўлди.

Комиссия Усмон Носирга бандма-банд қўйилган айбларнинг бирида: “Ўша суҳбат пайтида (У. Носир ва ёзувчи Лаврентьев ўртасида — *Н.Р.*) Усмон Носиров яна бошқа аксилинқилобий мулоҳазалар юритган, яъни у Шарқнинг туркий халқлари маданиятининг мустақиллиги уларнинг мустақил давлатга бирлашмоқларини талаб қилади ва Ўзбекистон Совет Иттифоқида, унинг таркибида бўлиши шарт эмас, туркий халқларнинг бирлашиши орқали ҳам социализмга келиш мумкин” (21-бет), деб таъкидлайди.

Январнинг 27-сида Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носирнинг 10 йиллик ижоди нишонланганида уни олқишлаб, ҳатто шоирга шеърлар бағишлаб чиқишлар қилган “ўртоқ”лар йил ўртасига келиб, тўнларини тескари кийиб олдилар. Улар учун Усмон Носирлар, Чўлпонлар, Қодирийлар, Ботулару Элбеклар халқ орасига сингдираётган асл, ўз Ватанига бўлган садоқату муҳаббатни уйғотаётган мустақиллик ғояси бегона ғоя бўлди. Уларни қуллик, мутелик қониқтирарди. Улар ўз халқи, ўз юрти қолиб, ўзга — мустабид халқни, бировнинг Ватанини кўйлаб ардоқлаш учун жонларини сақладилар. Ватанпарвар, элпарвар сиймоларни сотиб, янчиб, тарихда ўзларининг сохта номларини қолдириш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Сунъий шон-шуҳратларга эга бўлиб, виждонсизлик, гурурсизлик билан тоталитар тузумнинг кучини мустаҳкамроқ қилишга ўз ҳиссаларини қўшдилар, мустабидлик ғояларига қанот бағишладилар. Аммо энг аянчлиси шуки, улар кетларида ватанфурушликка мойиллик, сотқинлик мафкураларини кейинги авлодга мансуб бўлган баъзи кимсалар қалбига сингдириб қолдирдиларки, бу қора оғудан

бугунда пок, софдил, юртпарвар халқимиз озор чекмоқда. Мана шулар отамерос ниқоби билан мустақил ҳаётимизга болта уриш пайдалар. Айнан шуларнинг ғоясини қўллаб-қувватлаганлар Чўлпону Қодирий, Усмон Боту каби ноҳақ жабр кўрган зотларнинг атрофида уларнинг номини камситадиган бўлар-бўлмас ёлғону тўхматлар тарқатмоқда.

Юқорида келтирилган НКВДнинг ҳужжатлари Усмон Носир мустақиллик нима эканлигини тушуниб билганлигига аниқ далил сифатида хизмат қилолса керак.

Энди Усмон Носир қамоқхоналарда ҳеч нарса ёзмаган деган гапга қуйидаги ҳужжатлар билан жавоб бериш мумкин.

Усмон Носир 1938 йил 5 октябрь куни СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyesi томонидан эълон қилинган Ҳукм билан 10 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилиб, “халқ душмани” тамғаси билан сургун қилинди. У “Алексеевка” деб аталмиш Тошкент қамоқхонасидан Россиянинг Златоуст шаҳридаги қамоқхонасига жўнатилди. У билан бирга унинг 3750 рақамли шахсий ва махфий “Дело”си ҳам у ерга 1939 йилнинг 23 январида етиб келди (37-бет). Бу ерларга келтирилган шоир қаттиқ изтироб чекканлиги, маҳбусликка чидай олмаётганлиги қуйидаги ҳужжатлардан маълум бўлади.

Етиб келган кунининг эртасигаёқ, яъни 24 январда У. Носир Златоуст қамоқхонаси бошлиғига ариза ёзиб, бошидан ўтган барча воқеаларни сўзлаб бераркан, чақиртириб уни тинглашни илтимос қилади, бошлиқдан кўмак ва нажот кутади: “Мен якка ўзим ўтирган камера деразасидан атайлаб ёлланган кишилар ва коридорликлар орқали менга тўхтовсиз тўхматлар ёғдирилиб, психик таъсир ўтказмоқчи бўладилар. Бу одамларнинг оғзидан чиққан ибораларни қоғозга тушириш ноқулай. Чунки аризам бошқа қўллардан ҳам ўтади. Лекин энди буларнинг ҳаммасига чидаш мумкин эмас. Мени чақиртириб, тинглашингизни талаб қиламан” (69-бет).

26 январь куни у яна, энди қисқагина ариза ёзиб: “Мен учун энди ҳаммаси равшан бўлди. Мен ҳеч қачон Ватанга қарши бормайман. Адолатни талаб қиламан. Доҳий Сталинга арз ёзишга рухсат беришингизни сўрайман. Бугундан, яъни 26/1-39 й. дан очлик эълон қиламан. Мени чақиртириб, эшитишингизни илтимос қиламан” (40-бет).

Шоирга тегишли “Дело”нинг 61-бетида Златоуст қамоқхонаси бошлиғи ўринбосарининг 1939 йил 1 февраль куни билан белгиланган буйруғи бор. Унда: “Маҳбус Носиров Сер.

Владимирни карантин камерасига йўланг, карантин камерасидан чиққач, 1-корпус, 10-камера, 1-койкага ўтказинг”, деб имзо чекилган.

Носиров — бу аниқки Усмон. Аммо унинг исми ёнига нега бегона ном қўйилган? Ким у Сергей Владимирович?

Бу саволга ечимни “Вечерний Ташкент” газетасида 1988 йил 23 сентябрда эълон қилинган “Оборванная песня” номли мақоладан топгандек бўлдим. Унда мен Розенфельд Сергей Владимирович билан учрашиб, унинг хотираларини ёритган эдим. Розенфельд ўзбек тилини мукаммал билган инсон, Златоуст қамоқхонасида Усмон Носир билан бир камерада бўлганини ҳикоя қилиб берган эди. У Ўзбекистон комсомоли (Коммунистик ёшлар Иттифоқи — *Н.Р.*) Марказий Қўмитасида маданият бўлимини бошқариб, 1937 йилда Златоустга сургун қилинган экан.

С. В. Розенфельд шундай ҳикоя қилганди: “Бизларда матбуот билан танишиш имконияти бор эди. Аммо газеталарга ўз ҳисобимиздан обуна бўларди. Деярли барча маҳбусларнинг қариндош-уруғлари билан хат ёзишиб туришга, посылкалар олишга имкони бор эди. Усмон эса бундай ҳуқуқдан маҳрум эди. Биз нега бундайлигини билмас эдик, тушунмас эдик.

Усмон Носир индамаслиги билан хотирамда қолди. У билан бир камерада 8 ойдан ортиқ вақт бирга бўлдим, аммо ҳатто саккиз донагина сўз айтганини эслолмайман. У ҳеч ким билан гаплашмас эди, ёнига ҳеч кимни йўлатмасди. Кун бўйи якка ўзи шахмат ўйнардди. Доналарни ўзи ясаганди. Бир куни у назоратчилардан кўпроқ конфет сўради. Илтимоси бажарилди. Шуни айтиш керакки, қамоқхонада биз маҳбусларга нисбатан назоратчилар ниҳоятда такаллуфли ва хушмуомала бўлишарди. Лекин бундай муносабат кўпроқ назаримизда масхаралашга ўхшаб, қонимизни қайнатиб юборарди. Назоратчиларни пийпалаб уриб ташлагимиз келарди. Баъзи ўша масхараомуз хушмуомаликларга чидаш бермас маҳбуслар “сумка” (халта — *Н.Р.*) аталмиш жазо камерасига тушиб қолишарди... Шундай қилиб Усмонга конфетлар берилди. У конфетларни емади. Биз камерадагилар ҳайрон бўлдик, лекин кейингина бу конфетларни у нимага сўраб олганлигини англадик: у конфетлардан шахмат доналарини ясади. У каравотидан қўзғалмай кечгача шахмат сурар, шахматдан бўшаган вақтда шеърлар ёзарди. У ниҳоятда кўп ёзарди. Ҳам шеърлар, ҳам қамоқхона бошлиқларига қўш-қўш аризалар ёзарди. Иши қайтадан кўриб чиқирилишини сўраб, айби йўқлигини таъкидлар, бўшатиб юборишларини илтимос қиларди. Аммо аризалари жавобсиз қоларди. Бун-

дан у қаттиқ озор чекарди. Агарда назоратчилардан бирон-таси уни суҳбатга чорлаб қолса, у биттагина “фашистлар!” сўзи билан гапини кескин бўлиб ташларди.

Биз Усмон шоир эканлигини билардик. Чунки у шеър ёзиш истаги борлигини билдириб, назоратчилардан жуда кўп қоғоз сўрарди. Илтимосини рад қилишмасди, қоғоз беришарди. Лекин Усмон қоғозларни тўлдириб бўлгач, назоратчилар берилган қоғозларнинг сонини қайтадан ҳисоблашарди-да, “Дело”га қўшиб қўямиз, деб олиб кетишарди”.

Саволга ечим топишимда яна битта ҳужжат аҳамиятли бўлди. Юқорида зикр этилган У. Носирнинг 1939 йил 24 январь куни ёзилган аризасида шоир ўзини Ўзбекистонлик кишилардан ажратиб, алоҳида бир кишилик камерага жойлаштиришларини талаб қилади. Аммо 1 февралдаги буйруққа асосан уни Сергей Владимирович билан бирга 10-камерага қўйиш масаласи қўйилади. Демак, “Носиров Сер. Владимир” деган ёзув махфий бўлиб, бу иккиси бирга бўлиши шарт деганимикин?! Нега? Нима учун, Розенфельд таъкидлаганидек, барча маҳбусда уй билан хат ёзишиб туриш имкони ва ҳуқуқи бўлгану, Усмон Носир барча қатори бир хил сиёсий маҳбус бўлатуриб бу ҳуқуқдан маҳрум этилган?! Шуни айтиш мумкинки, бу ўша замоннинг, ўша даврнинг ва ўша сиёсатнинг ўйинларидан бири бўлган...

Ўша ўйинларнинг қатнашчиларидан бири Розенфельд Усмон Носирнинг 75 йиллиги кенг нишонланиб ўтказилиши арафасида биз — Усмон Носирнинг жиянларини топиб, учрашиб, аъзойи бадани титраб, кўз ёш ила шоирни хотирлаганида ҳаёлидан нималар кечгани фақат Оллоҳга аён. Ва лекин унинг бу хотирлашлари Усмон руҳи олдидаги тавбатазарру ёки пушаймонмиди?!

Хуллас, Розенфельднинг гапларидан шу маълум бўладики, Усмон Носир энди Магадандан 1940 йил 20 август куни Сталинга йўллаган хатида “Қамоқларда битта шеърый роман, учта пьеса, бир қатор шеърлар ёздим”, дегани ҳақ гап. Мен ҳали мактаб ўқувчилигимда улуг шоиримиз Мақсуд Шайхзода оғизларидан у киши буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳор билан биргаликда Усмон Носирнинг қўлёзмалари лагерлардан катта кўк конвертда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига 1941 йилларда келганлигининг гувоҳи бўлганликлари ҳақида эшитганим ҳам ҳақ гап...

Энди Усмон Носир “руҳий хаста эди” деган гапларга ҳужжатлар шуни кўрсатадики, Усмон Носир ҳеч қачон бундай дардга чалинмаган! Яна “Дело”даги ҳужжатларга мурожаат қиламиз.

Усмон Носир ноҳақлик олдида бўйин эгмас, қони қайноқ, ўжар табиатли ва шу билан бирга нафақат ўз оиласи, ҳатто барча қариндош-уруғ орасида ўзига ярашиғлик эркатойлиги билан ёқимли бўлган. Болалиги эркин, қийинчилигу заҳматларсиз, тўқчилик-тўкинчиликда ўтганлиги, ҳам моддий, ҳам маънавий етишмовчиликсиз ўсгани сабаб, у соддадил, дўлвар, сахий, бағри кенг, ниҳоятда ишонувчан, айёрлик, устомонлик, хоинликларни билмас инсон бўлиб вояга етди.

Буюк актёримиз Наби Раҳимов хотирасида қолган бир воқеани сўзлаб берганди: “Усмон бизлар — маҳалладош ўртоқлари — Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Жавдат Абдулла ва бошқаларни уйига тез-тез таклиф қилиб, болалигиданоқ зиёфатлар уюштиришни яхши кўрарди. Отаси Носир ҳожи отага у эрка ўғил эди. Бир куни эрта саҳар Усмонни йўқлаб кирсам, Усмон ҳовли ўртасидаги шийпонда ухлаб ётибди. Атрофи ёзиб-чизилган қоғозларга тўлиб кетган. Ҳожи ота докадан сабзи шарбатини сузаяптилар. Мен салом бериб, “Ҳожи ота, нима қиляпсиз?” десам, у киши: “Э, Набижон, ўртоғинг кечаси билан ижод қилиб чиқади, толиқади. Ёшлигидан шуни одат қилганман, ҳар куни наҳорда бир пиёла сабзи шарбатини ичириб қўяман... Кечгача тетик юрадида”, деб жавоб қилдилар-да, бориб аста Усмонни уйғотдилар. Келганимни айтиб, шарбатни ичирдилар... Усмон ана шундай бахтли йигит эди...”

“Маҳалламизнинг барча йигитлари Усмон акамга ҳавас қиларди. Ўртоқлари Амин Умарий, Насрулла ва Мадамин, Давронлар, айниқса Темур Фаттоҳ қачон қарасак Усмон акамникида бўлишарди. У киши ўртоққа жуда меҳрибон эдилар. Темур Фаттоҳ етим бола эди. Шунинг учун Усмон акам кўпроқ унга меҳр кўрсатарди. Темур ака уларникида яшарди десам ҳам хато бўлмайди. Носир ҳожи тоға Темур акани боқардилар, кийинтирардилар... Хуллас, ўғилдек кўрардилар”, деб эслайди Усмон Носирнинг маҳалладоши, шоир Фурқатнинг жияни Оминахон ая.

Кенг, фаровон муҳитда яшаб ўсган Усмон Носир учун Ҳақиқат ҳар нарсадан афзал эди. Шунинг учун ҳам у ноҳақликка қарши тик борадиган, ёлғонларга, носамимийликка чидаш бермайдиган инсон бўлиб етишди. Кейинчалик унинг ҳаёт йўлида тўқнаш келган ана шундай говлар қонини қайноқ, табиатини ўжар қилди. Шоирдаги бу хислатлар эса рақиблари учун қўл келди, улар сотишга ошиқдилар, сургун қилдирдилар, ўша ерларда ҳам кетидан одам қўйдириб, мажбурий узлатга чекинтирдилар. Айнан шулар чин истисод-

ларни бир-бир дор тагига жўнатдилар, пешоналаридан оттирдилар.

Усмон Носир буни яхши тушунган. Шу сабаб у 1939 йил 13 февралда Златоуст қамоқхонаси бошлиғига ариза билан яна мурожаат қилиб, ёзади: “Мен ҳаммасини энди тушундим. Ҳеч қандай суд менга ҳукм чиқармаган. Ҳибслар асоссиз, далилсиз эди ва бу ҳаммаси равшан бўлиб, барча озод қилинди. НКВД ташкилотининг обрўйини туширмаслик учун балки бошқалар қатори мени ҳам қурбон қилиш аҳд қилингандир... Менинг ҳеч қандай касалим йўқ. Ақлим билан ҳам, бутун организмим билан ҳам соппа-соғман. Нормал одамман, эркакман. Ёлғон кўрсатмалари билан кетимдан пойлаб юрганлар — НКВДнинг гумроҳ ходимларидир. Улар кўпчилик. Мен буни мутлақо аниқ тушуниб етдим. Мен ҳақиқатни, адолатни талаб қиламан. Бугундан, яъни 13/II-39 й.дан очлик эълон қиламан” (42-бет).

Бу аризадан Усмон Носирга Ўзбекистондан бирга “юборилган” кишилар томонидан тазйиқлар ўтказилиб, унга ҳамиша руҳий хасталик “ёпиштириш” ҳаракатлари бўлганлиги аён. Аммо бир қатор тиббий хулосалар Усмон Носир руҳан соппа-соғ бўлганини исбот қилади. Мана улар: 18 ноябрь 1937 й. “Соппа-соғ” (37-бет); 4 декабрь 1938 й. НКВД санитария қисми: “Носиров Усмон фикрлаши нормал ҳолатда. Мулоқотда бўла олади. Саволларга жавоб бера олади. Руҳий хасталикнинг асоратлари йўқ. Қамоқхонада ва узоқ муддат карцерда ушланиши мумкин” (50-бет); 11/II-39 й. “Соппа-соғ” (32-бет); 13/III-39 й. “Соппа-соғ” (48-бет); 21/V-39. “Жисмоний меҳнатга яроқли” (67-бет); 21/VII-39 й. “Цинга, даволаниш муддати бир ой” (90-бет); 21/I-41й. “Чап томонлама эксудатив плеврит” (77-бет); 22/V-43 й. “Пеллагра, туберкулёз, чап оёғининг беш панжаси йўқ” (87-бет); 23/VI-43 й. “Туберкулёз, малярия” (88-бет). Ва ниҳоят охириги 9/III-44 й. тузилган тиббий хулоса: “Носиров Усмон соат 14-00 да ўпка туберкулёзи, пеллагра II ва юрак беҳоллигидан вафот этди” (91-бет).

Келтирилган тиббий хулосалардан кўриниб турибдики, Усмон Носир 1942—1943 йилларгача сил касали билан ҳам оғриманган ва ҳеч қачон руҳий хасталикка дучор бўлмаган. Уни руҳий хаста эди деб жар солиш ўша даврда ҳам, бугунги кунда ҳам баъзи кимсалар учун керак ва қулайдир.

Тошкентнинг Ибн Сино мавзесида Александра Анатольевна Жалилова-Юхнова истиқомат қилади. У Усмон Носир билан бирга Сибирнинг Суслово қишлоғида жойлашган 2-лагпунктда муддат ўтаган. Унинг хотирлаши бўйича у шоир

билан илк бор ўша лагернинг стационар амбулаториясида 1943 йилнинг охирларида кўришган. Усмон Носир ўшанда қоғозлар сочилиб ётган стол ёнида ўтириб, касаллик варақаларини тўлғазарди. “Усмон ўз ёшидан улугроқ, сочлари оппоқ, юзлари синиқ, катта-катта кўзлари у касалманд эканлигини кўрсатарди, — деб эслайди А. А. Жалилова ва кўзларида милтиллаб турган кўзёшларига парво қилмай сўзида давом этади: — Унинг хатти-ҳаракатида бир оз асабийлиги билинарди. У жуда кам гапирар. Мен унинг ўзбеклигини билгач, “Тошкентликмисиз?” деб сўрадим. У: “Йўқ, тошкентликмасман...” деди. Шунда мен 15 ёшли қизча: “Тошкентда олча 15 тийин туриши ростми?” деб ғалати савол берганим эсимда. Усмон маъюсина табассум билан “билмайман” деб жавоб қилди”.

Жалилова-Юхнова хотирлаши бўйича стационарда врач котибаси бўлиб ишлаган москвалик зиёли — 45 ёшлар чамасидаги яхудий маҳбус аёл Эрнст Тамара Львовна ўзига Усмоннинг хати чиройли бўлганлиги учун ёрдамчи қилиб олган. Барча маҳбуслар иш-ишларига жўнатилагач (улар асосан қишлоқ хўжалик ва ўрмон кесиш ишларини бажаришарди), Усмон ишдан озод қилинган беморлар рўйхатини нарядчикка топширар ва стационарнинг китобига бетобларнинг номини қайд қилиб кўяркан. Касаллик варақаларини тўлдиришда Тамара Львовна ёрдам бераркан. “Усмон ёзувчи ва шоирлигини менга Тамара Львовна айтган. Жойимда қотиб қолганман. Чунки умримда тирик шоирни биринчи кўришим эди. Усмон касалманд кўринса ҳам жуда чиройли эди...” — дея эслайди Александра Анатольевна кўз ёшини яширмай.

У яна Тамара Львовна москвалик дугонаси Майорова Варвара Акимовна билан лагерда бадиий тўғарак ташкил қилишгани, Усмон Носир ҳеч кимга қўшилмай жимгина юргани билан бу тўғарак учун рус тилида қойилмақом қилиб пьесачалар, қўшиқлар ёзиб бергани ва 1944 йил баҳорига яқин сил бўлиб, Мариинск касалхонасига юборилгани ва ўша ердан даракчи унинг ҳужжатларига келиб у ўлди деган мудҳиш хабарни олиб келганида Тамара Львовна ва барча ҳўнграб йиғлаб юборганини эслайди.

“Шу билан бирга, — дейди Александра Анатольевна, — эркаклар яшайдиган зонада жуда катта кутубхона бўларди. Усмон уни бошқариб, ўша ернинг ўзида яшарди. У кўп ўқирди. Бу кутубхонага бутун Совет Иттифоқида босиб чиқариладиган газета, журналлар ва китоблар келарди...”

Ҳозир ҳам Суслово қишлоғида истиқомат қилаётган Нина Васильевна Сирота ўша пайтларда зонанинг махфий бўли-

мида ишлаган. У билан учрашиб, Усмон Носир руҳий хаста бўлганми деб сўраганимда Сирота Жалилова-Юхновадек бир хил жавоб берганди. “Руҳий хасталикка учраган маҳбусни ҳеч ким ва ҳеч қачон, айниқса сиёсий маҳбуслар орасида ушламайди. Шубҳали бўлса ҳам дарҳол жиннихонага юбориларди улар. Усмон соппа-соғ, аммо бир оз асабий эди”, деб жавоб қилди. Ўша лагерда 1947 йилдан сургунда бўлган Мансур ака Зуннунов (атокли олим Шорасул Зуннуннинг ўғиллари — Н.Р.) айтишларича, Усмон Носирни маҳбуслардан ташқари лагернинг назоратчиларию бошлиқлари баробар анча ҳурмат қилганлар. Унга ёрдам бериб, озод қилишга уринишган. Бунинг ҳам исботини “Дело” ҳужжатларидан топамиз.

Усмоннинг онаси Масодиқова Холам биби 1943 йил 6 апрель кунини НКВД Владивосток тумани Шимоли-шарқ тузатиш меҳнат лагери 2-бўлими бошлиғи номига йўллаган аризасида Сибирь лагерлари жойлашган Новосибирск вилояти Мариинск шаҳрида эканлигидан хабар беришгани учун миннатдорчилик билдириб, Усмоннинг “ибратли хулқи ва меҳнатда кўрсатган тиришқоқлиги учун жазо муддатини қисқартирганингизни эшитиб ниҳоятда қувондим”, деб ёзди. Ва “имконият даражасида уни (Усмоннинг — Н.Р.) муддатдан аввал бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйишни ўтириб” сўрайди (81-бет). Ҳужжатлардан кўринадики, Усмон Носирни озод қилиш учун кўп ҳаракатлар бўлган, ҳатто 1943 йилнинг 13 сентябрида шоирнинг жиноий иши қайта кўриб чиқиши учун прокурорнинг санкцияси билан Новосибирск вилоят судига жўнатишган (81, 82, 84, 85-бетлар). Барча ҳаракатлар СССР НКВД Лагерлар Бош бошқармаси, НКВД Сибирь лагерлари Бошқармаси ҳамда Суслово бўлими томонидан қилинган.

Усмон Носирни озод қилиш масаласи кўтарилгач, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида шоир ижоди ҳақида хулоса чиқарилиб, Ўрта Осиё Ҳарбий Округининг Ҳарбий Прокуратурасига топшириш учун 1944 йилнинг 8 май кунини тўзилган Комиссиянинг мажлиси ўтказилади. Бу хулосада ёзилишича “...1935—1936 йилга келиб, унинг (Усмон Носирнинг — Н.Р.) ижодида мунг ва замонанинг ижтимоий даврасида нафас олишга қийналаётган кишининг дардли тушқунлиги устун кела бошлади. Шоир билан совет воқелиги орасида келишмовчилик чизгилари пайдо бўлди. Чуқур бадбинлик кўзга ташланди. Совет даврида “кераксиз инсон” ҳисси, ўз жонига қасд қилишга шама қилишлар аламли кишининг жамиятга қарши бўлган ақидасининг натижаси бўлди. У сўзлаб бўлмас орзулар борлиги ҳақида ёзарди.

Муҳитни ўз тасаввурда бузилган, ўзини эса банди деб ҳис қиларди. Бу эса инсон ва муҳит ўртасидаги узилиш, шахс ва сиёсий тузум ўртасидаги ички зиддиятлари аломатидир. Айнан шу нарсалар унинг “Меҳрим” шеърий тўпламини ажратиб туради.

Шундай қилиб, охирги пайтда “У. Носировнинг шеърияти ҳали кучга тўлмаган ёш, аммо иқтидорли шоирни ўз таъсирига олган миллатчи гуруҳларнинг аксилинқилобий кайфиятини ифодалаган...” деган ёзувлар бор эди.

Бу хулоса Усмон Носирга 30-йилларда чиқарилган асосиз ҳукмга қўшимча яна битта ҳукм, Ватанга қайтиш йўлини яна бир бор кесадиган ғов бўлди. Аммо бу кураш 9 март куни вафот этиб бўлган Усмон Носирнинг руҳи билан курашиш бўлди...

УСМОН НОСИРНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

1. 1912 йил 13 ноябрь куни Наманганнинг Чуқуркўча даҳасида туғилди.
2. Отаси — Маматхўжа, 1914 йилнинг баҳорида — 40 ёшлар чамасида вафот этди.
3. Онаси — Холам биби (Хоним биби). Домла Адҳам Охун қизи (1886—1957 й. 17 сентябрь).
4. 1916 йилда Холам биби Носир ҳожи Масодиқовга турмушга чиқади.
5. Носир ҳожи Масодиқов Кўқонда 1881 йилда туғилган, 1975 йил 18 декабрда вафот этган.
6. 1918 йил баҳорида Носир ҳожи Масодиқов оилани Кўқонга кўчириб келади.
7. 1920—1924 йилларда Кўқонда 1 босқич мактабида ўқийди.
8. 1924—1929 йилларда II босқич тўлиқ ўрта мактаб-интернатда таълим олди.
9. 1927 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан илк учрашиб, шоир сифатида унинг оқ фотиҳасини олди ва “Янги йўл” журналида “Ҳақиқат қалами” номли илк шеъри босилди.
10. 1929 йилнинг ёзида синфдошлари билан Ленинградга саёҳатга бориб, “Красный путиловец” заводида ўзи тайёрлаган дастур бўйича алабий композицияни намойиш қилиб қайтади.
11. 1929 йилнинг август ойида Москвадаги кинематография институтининг сценария бўлимида ўқийди.
12. 1930 йилнинг қиш ойида Кўқонга қайтиб, янги очилган педагогика курсида ўқитувчилик қилади, илмий мудар бўлиб ишлайди, “Янги Фарғона” газетасида мухбир лавозимини эгаллайди, драма театрида эмакдош бўлиб хизмат қилади.
13. 1931 йилда “Душман” пьесаси яратилиб, сахнада ўйналади.
14. 1931 йил сентябрь — 1934 йил декабрь ойларида Самарқанд педагогикасида (ҳозирги СамДУ) таълим олади.
- 14^а. 1932 йилда “Куёш билан суҳбат” илк шеърий тўплами ва “Сафарбар сатрлар” китоби нашр этилди.
15. 1933 йилда “Тракторобод” шеърий тўплами чоп этилди.
16. 1933 йил ёзида Арманистонга 1 ой ижодий сафар қилади, Озарбайжонда бўлади.
- 16^а. 1934 йилда “Атлас” драмасини ёзди.

17. 1934 йил ўзбек, тожик ҳамда арман ёзувчилари 1-курултойларининг қатнашчиси.

18. 1934 йилда “Нахшун” достони чоп этилди.

19. 1934 йил 17 август — 1 сентябрда собиқ Иттифоқ Ёзувчиларининг I съезди қатнашчиси.

19^а. 1934 йил декабрь. Усмон Носир бухаринчиликда айбланиб Самарқанд педагогикаси Ёшлар Иттифоқи кўмитаси уюштирган мажлисда аъзоликдан ўчирилган, ўқишни ташлаб Қўқонга қайтади.

20. 1935 йил. Қўқон Ҳамза номли театрида адабий етакчи, “Янги Фарғона” газетасида ходим бўлиб ишлайди.

20^а. 1935 йил. Ўздавнашр. “Колхоз саҳнаси” пьесалар тўпламига “Душман” пьесаси кирди, 67—94-бетлар.

21. 1935 йил Тошкентга келиб, “Ёш ленинчи” газетасида ходим бўлиб хизмат қилади.

22. 1935 йили “Юрак” шеърӣ тўплами нашр қилинади.

23. 1935 йили Болтиқ бўйи, Мурманск, Оқ денгизда сафарда бўлди.

24. 1936 йили “Меҳрим” тўплами нашр этилади.

25. 1936 йили А. С. Пушкиннинг “Боғчасарой фонтани” ва М. Ю. Лермонтовнинг “Демон” поэмаларини ўзбек тилига таржима қилади.

26. 1937 йил январь ойида Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасида Усмон Носир ижодининг 10 йиллигига бағишланган ижодий кеча ўтказилди.

27. 1937 йил март ойида Усмон Носир ота-онаси ва сингилларини Тошкентга Қўқондан кўчириб олиб келади.

28. 1937 йил май — июнь ойларида Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлиги ҳамда А. С. Пушкинга бағишланган IV Пленумда иштирок этади.

29. 1937 йил 20 апрелда “Қизил Ўзбекистон” газетасида Уйғуннинг “Поэзияда сиёсий ўткирлик бўлсин” мақоласи чоп этилиб, Усмон Носирнинг ижодига салбий тус берилади.

30. 1937 йил июнь ойида Инжиқободаги ёзувчилар уйида мажлис ўтказилиб, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Элбек ижодлари муҳокама қилиниб, уюшма аъзолигидан ўчириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

31. 1937 йил 12 июлда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Усмон Носир аъзоликдан ўчирилади.

32. 1937 йил 14 июлда “халқ душмани” сифатида ҳибсга олинди.

32^а. 1937 йил 25 сентябрда Усмон Носир қамокдан СССР Ички ишлар халқ комиссари Л. П. Берия номига ариза ёзиб жўнатади. 1939 йил 3 апрелда Берия бу аризани кўриб чиқишни Москвадаги НКВДнинг Бош қамоклар бошқармасига буюрди.

33. 1937 йил 5 декабрда Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги бошқармасидаги Усмон Носир устидан тергов тугаб, у Тошкентдаги “Алексеев” қамокхонасига ўтказилади.

34. 1938 йил 4 октябрда Усмон Носир иши бўйича СССР Олий суди ҳарбий коллегияси суд жараёнини бошлайди.

35. 1938 йил 5 октябрда Усмон Носир 10 йил қамок жазосини ўташи кераклиги тўғрисида ҳукм эълон қилинди.

36. 1939 йил 14 январь куни Тошкент қамокхонасидан Златоуст қамокхонасига жўнатилди.

37. 1939 йил 23 январда Златоуст қамокхонасига келтирилди. 26-куни қамокхона бошлиғига ариза битади ва Сталинга хат ёзишга рухсат сўрайди.

38. 1939 йил июль ойида этап билан Челябинск лагерига келтирилди.

39. 1939 йил 2 июль. Владивосток шахрига келтирилди.

40. 1939 йил 21 июлда пароход Шимолий-шарқ лагерлари 1-рейсида У. Носир этап билан СССР НКВД Шимолий-шарқ лагерлари 2-бўлим, ногиронлар шахарчасига келтирилди.

41. 1939 йил 22 июлда ЮГЛАГ лагери “Экспедиционный” қонига келтирилди. Магадан шахри.

42. 1940 йил 20 августда Сталин номига ариза ёзиб, айби йўқлигини билдиради. Манзили: Магадан шахри, Хабаровск ўлкаси, почта қутиси рақами 261/5 эди.

43. 1940 йили қамокхонада ёзган “учта пьеса, шеърӣ роман ва бир қатор шеърларини” Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига жўнатади. (Қўлёзмалар йўқолган.)

44. 1941 йил 31 октябрда жазо муддатини ўташни давом эттириш учун Кемерово вилояти Мариинск туманидаги Сибирь лагерлари жойлашган Сулово (ҳозирги Первомайск) қишлоғи ҳудудига юборилади.

45. 1943 йил 24 май куни Ички ишлар халқ комиссариати (НКВД) ахлоқ тузатиш меҳнат лагерлари ва меҳнат колониялари Бош бошқармаси (Москва ш., Киров, 3) раҳбарлари давлат хавфсизлиги подполковниги Грозний номига Усмон Носирни озод қилиш тўғрисида йўлланма юборади.

1943 йил 4 июнь куни Грозний ишни кўриб чиқиб, масала ни ечиш тўғрисида фармон берди.

9 июль куни Шевцов озод этишни рад этади.

13 сентябрда Грозний Усмон Носир ишини судга қайта кўриш учун фармон беради.

46. 1944 йил 9 март куни кундузи соат 14 да ўпка туберкулёзи, II даражали пеллагра ва юрак хасталиги билан вафот этди.

47. 1944 йил 15 март куни Сулово қабристонига қўлида 12192 рақамли белги билан дафн этилди. Қабрига 2-рақамли лавҳа ўрнатилди.

48. Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий прокурори муовини Захаров 1944 йил 18 июль кунги Қарорда Усмон Носир

асарлари ва хусусан, “Меҳрим” тўпламини ўрганиб чиқиш бўйича эксперт комиссиясини тузиб, унга шоир Мақсуд Шайхзода, ЎзФА Тил ва адабиёт институти профессори А. К. Боровков ҳамда “Қизил Ўзбекистон” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетаси бош муҳаррири Сиддиқ Ражабовларни киритиш бўйича фармон чиқаради.

49. 1944 йил 30 ноябрда комиссия Усмон Носир ижодини оқлаб хулоса чиқаради.

50. 1944 йил 15 декабрда Ўрта Осиё ҳарбий округининг ҳарбий прокурори юстиция полковниги Потёмкин “Тергов жараёнида суд томонидан Усмон Носир иши бўйича процессуал қонуннинг қўпол бузилишларга йўл қўйилганлигини” таъкидлаб чиқарилган ҳукм бекор қилиниши, жиноий иш тугалланиши ва Усмон Носир қамоқдан озод этилишини қайд этган.

51. 1959 йилда “Танланган асарлар”и Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилди. (Нашрга тайёрловчилар: Н. Охундий, Мирмуҳсин, Ўткир Рашид.)

52. 1965 йилда Усмон Носирнинг шеърлар тўплами нашр этилди. “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти. Тўпловчи Ўткир Рашид.

53. 1969 йилда “Танланган асарлар”нинг I томи, 1970 йил “Танланган асарлар”нинг II томи чоп этилди. Тўпловчи Абубакир Ражабий.

54. 1984 йил. “Юрак”. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Тўпловчи Н. Рашидова.

55. 1988 йил. “Унутмас мени боғим”. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Тўпловчи Н. Рашидова.

56. 1988 йил 20 сентябрда Усмон Носирнинг 75 йиллиги кенг нишонланди. У дафн этилган Суслово қабристонида келтирилган тушроқ Чигатой мазорига қўйилди.

МУНДАРИЖА

Дардларим нидоси	3
Хужжатлар тилга кирганда	6
Домла Маматхўжа (“Усмон Носир” романидан парча)	8
Усмон Носир таржимаи ҳолига ҳаққоний назар	18
Усмон Носир шеърляти — давр кўзгуси	23
Усмон Носир ва Николай Бухарин	28
Усмон Носирнинг “Душман” пьесаси топилди	35
Нега дoston битмай қолган?	39
Бўрондай келиб кетган шоир	42
Рухлар нотинч бўлмасин	46
Усмон Носирнинг ҳаёт йўли	57

Адабий-бадъий назар

НОДИРА РАШИДОВА

УСМОН НОСИР ҲАҚИДА

Мутаррир Маъсуде Нурдониёва

Муҳаррир Анастасия Рабров

Бастий муҳаррир Хамидулла Худойбердиев

Техник муҳаррир Готмана Смирнова

Кичик муҳаррир Раъна Файзулла

Мусаххир Маъсуде Насриддинова

Компьютерда тайёрлаган Аниса Нурдониёва

Усмон Носир ҳақида хотиралар/Н. Рашидова.— Т.: F.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001.— 64 б.

Уч минг йил илгари яшаб ўтган бир донишманд: “Ҳар бир кишининг ўзи учун қулай қилиб ўйлаб топган ҳақиқати бўлади ва унинг ҳақиқатига қарши курашлар натижа бериши қийин”, деган экан.

Дарҳақиқат, чин ҳақиқатнинг тағ-заминига етиш азалдан мушкул иш. Бу йўлда чалинишлар, қоқилишлар, ҳатто қон тўкишу нобуд бўлишлар бор. Ва лекин бу Ҳақиқатга диллар барибир талпинаверади, интилаверади.

Бу ҳақиқат кеку манфаат, ғаразу ёлгон, бўҳтону ҳасадлардан кўп азият чекади... неча бор букилади... неча йиллар букилади... Аммо у Оллоҳнинг ҳақиқати бўлганидан албатта тикланади, хоинликлар устидан ғалаба қозонади... Ва қуёшдек порлаб, дилларни ёритади... Шу ҳақиқатга мадал ва суянчиқ бўла олган инсон дунёда энг бахтли Инсондир...

ББК 83.3Ўз